БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | № 178 (16.564). | 31 июль 1976 йил, шанба | Баҳоси 2 тийин.

„Салют-5“: ер тадқиқ қилинмоқда

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 30 июль. (ТАСС). «Салют-5» орбитал илмий станцияси Москва вақти билан соат 11 гача Ер атрофини 605 марта, шу жумладан бортида экипажи билан 362 марта айланиб чиқди.

Учиш программасига мувофиқ космонавтлар Б. В. Волынов билан В. М. Жолобов 29 ва 30 июль кунлари Ер юзини суратга олдилар. Суратга олишдан мақсад — фойдали қазилма бойликларини қидиришда истиқболли бўлган районларни аниқлаш, сейсмик активликни ўрганиш ва тоғлардаги сел хавфини чамалаш, гидротехника иншоотлари лойиҳаланган районларни тадқиқ этиш, шунингдек халқ хўжалигининг бир қанча бошқа муҳим вазифаларини ҳал қилишдан иборат. Суратга олинган расмлар Украинанинг жанубий қисми, Молдавия, Олтой ўлкаси, Каспий бўйи пасттекислиги устида олиб борилди.

Космонавтларнинг докладларига ва телеметрик ахборот маълумотларига кўра, «Салют-5» орбитал илмий станциясининг борт системалари нормал ишлаб турибди. Экипаж ҳар иккала аъзосининг саҳат-саломатлиги ва кайфияти яхши.

МАШИНАЛАР МАВСУМГА ШАЙЛАНСИН

Республикамиз пахтакорлари бу йил 5 миллион 300 минг тонна «оқ олтин» етиштирадилар, шундан 3 миллион тоннасини машиналарда териб оладилар. Теримни қисқа фурсатда ўтказиш, навнинг юқори бўлишини таъминлашда терим машиналарини мавсумга тўла шайлаш ҳал қилувчи роль ўйнайди. Илғор хўжаликлар, районлар ва областларнинг кўп йиллик тажрибаси машиналарга таянилган жойларда давлат пахта тайёрлаш планлари ва социалистик мажбуриятлар тез фурсатда бажарилишини кўрсатди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети пахтакорларимизни пахтачиликда техника тараққиётини янада ривожлантиришга чорламоқда. Биз бундан кейин ҳам дала ишлари, хусусан теримни комплекс механизациялаш йўлидан олға бораверамиз, чигит қайси схемада экилишидан қатъий назар, машиналар ҳукмронлигини таъминлаймиз. Ҳозирдаёқ катта майдонларнинг ҳосилини қўл кучи ишлатмасдан «зангори кема»ларда териб олаётган илғорларнинг тажрибаси бу борада муҳим дастуриламал бўлади.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг Жиззах область Мирзачўл районидаги Абай номли совхоз компленс механизациялашган пахтачилик бригадаси бошлиғи Расул Ҳайдарова йўллаган мактуби республикамизда эллик-олтмиш центнерчилик ҳаракатини кучайтириш билан теримни ёппасига машиналаштиришга ҳам кенг йўл очади. Бригада аъзоларининг етиштирилган ҳосилни қўл кучи ишлатмасдан фақат машиналарда териб олиш, шу йўл билан кўп, сифатли аъло, танҳархи арзон пахта тайёрлаш ҳақидаги ташаббуси умумхалқ ҳаракатига айланиши шубҳасиздир.

1976 йил республикамизда машина теримида кескин бурилиш даври бўлади. Механизаторларимиз ўтган йилдагидан 700 минг тонна кўп, жами 3 миллион тонна пахтани машиналарда териб беришлари керак. Бунинг учун шу кунларда ғўза парваришини бутун чоралар билан кучайтириб, ҳамма майдонларда юқори ҳосил етиштиришлари, августни ҳосилга ҳосил қўшишда зарбдор ойга айлантиришлари, мавжуд 30 мингдан зиёд терим машиналарини сифатли ремонтдан чиқариб, синовдан ўтказиб қўйишлари керак.

Кўпчилик колхозлар, совхозлар ва районларда ғўза парвариши кучайтирилляпти, шоналар гулларга, гуллар кўсакларга айлантирилиб, кўсакларнинг тезроқ очилишига шароит яратиляпти, табиий офатлар туфайли зararланган майдонларнинг ғўзалари табақалаб парвариш қилиняпти. Айни кезда терим техникаси тезкорлик билан мавсумга шайланяпти.

Қуйи Чирчиқ, Сирдарё, Ғиждувон районларида пахта териш машиналари тўла ремонтдан чиқариб қўйилди, тўкилган пахтани терадиган, кўсан узадиган ва чувийдиган агрегатлар ремонти тугалланмоқда. Қизилтепа, Косонсой, Ворошилов, Пахтачи, Денов, Ўзбекистон, Чироқчи, Комсомолобод ва бошқа қатор районларда ҳам ремонт ишлари меъёрига етказилмоқда.

Тошкент ва Андижон областларининг хўжаликларида ремонтдан чиқарилган техника восталарини махсус комиссиялар қабул қилади, сифатни ҳисоба олиб алоҳида ёрлиқлар беради. Ремонтни ким қачон ўтказгани кўрсатилади Бу тадбир ремонт ишларини сифатли ўтказиш, механизаторларнинг масъулиятини оширишда катта роль ўйнамоқда.

Бирон ҳамма жойда ҳам ремонт ишлари яхши кетяпти деб бўлмайди. Пахта терими бошланишига жуда оз фурсат қолишига қарамай кўпчилик хўжаликлар, районлар, ҳатто областларда ремонт ишлари сусткашлик билан олиб борилмоқда. Қашқадарё, Наманган ва Фарғона областларининг хўжаликларида эндигина терим машиналарининг эллик процентга яқин қисми қўлдан чиқаридi холос. Андижон областида гарчанд сифатга эътибор берилаётган бўлсада, миқдор унутиляпти. Бунга меҳнат унумдорлигининг пастлиги сабаб бўляпти.

Ўтган йили Қоракалпоғистон АССР, Хоразм ва Жиззах областларида терим техникаси ремонти кеч тугалланган эди. Бу йил ҳам айнан шундай аҳвол юз беряпти. Автоном республика ва номи тилга олинган областларда терим машиналарининг 33-40 проценти ремонт қилиниб, судралишга йўл қўйиляпти.

Етиштирилган ҳосилнинг асосий қисмини «зангори кема»ларда териш мажбуриятини олган Шуманай, Пахтакор, Қўшкўпир, Арнасой районларида автотрактор парклaридаги машиналарнинг эндигина 15-24 проценти ремонтдан чиқарилиб, қолган қисмига қўл урилмаганини қандай баҳолаш керак? Бу районларнинг партия, совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органлари, «Узсельхозтехника» район бирлашмаларининг раҳбарлари ремонт ишларини кучайтиришга етарли аҳамият бермаяпти, устахоналарда ишни икки сменада ташкил қилиш, ремонтчилар сафини кенгайтириш, уларнинг унумли ишлашлари учун етарли шароит яратиб бериш ҳақида ғамхўрлик қилмаяпти.

Сариосиё районидаги Ульянов номли колхозда, Олтиариқ районидаги «Ёзёвон» совхозида ремонтдан чиқарилган машиналар текшириб кўрилганида ҳар бирида саккиз-ўнтадан нуқсон аниқланди. Хўжаликларнинг раҳбарлари устахона ходимлари, механизаторлардан сифат учун масъулият талаб қилмаганлар, эҳтиёт қисмлар етказиб бериш ҳақида қайғурмаганлар. Бундай мисолларни бошқа районларнинг хўжаликларидан ҳам келтириш мумкин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «Республика колхозлари ва совхозлари социалистик мажбуриятларни қандай бажараётганликларини ўзаро текшириш якунлари тўғрисида»ги қарорида пахта териш техникаси ремонти суръатларини кучайтириш, ишни икки сменада ташкил этишни мўлжаллаб, ҳар бир агрегат учун тажрибали механизатор кадрлар тайёрлаш ва уларни комплектлаш юзасидан қўшимча тадбирлар кўрилсин, дейилган. Барча хўжаликларнинг раҳбарлари қарордан тегишли хулоса чиқариб олишлари, йўл қўйилган камчиликларни тугатишга қаратилган оператив чоралар кўришлари керак.

Шу кунларда «Узсельхозтехника» республика бирлашмаси, унинг жойлардаги органлари, хўжаликларнинг устахоналари ходимлари олдида сира кечиктириб бўлмайдиган улкан вазифалар нўнданган бўлиб турибди. Ҳамма жойда ремонт ишлари икки сменада ташкил қилиниши, ремонтчи усталар сочи кўпайтирилиши, сифатга ҳалал етказмаган ҳолда кунлик графиклар бир ярим-икки ҳисса қилиб бажарилиши зарур. Бу борада шаҳар саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари, алоқа идораларининг оталиқ ёрдами кучайтирилиши керак.

Саноат корхоналари хўжаликларнинг автотрактор парклари, «Узсельхозтехника»нинг район бирлашмаларига кўплаб хилма-хил эҳтиёт қисмлар етказиб бераётган бўлсада, талаб тўла қондирилмаяпти. Эҳтиёт қисмлар жўнатишни бутун чоралар билан авж олдириш керак, айни кезда ички резервлардан оқилона фойдаланиш йўли билан ремонт ишларини тез ва соз тугаллаш механизаторларимизнинг шарафли бурчидир.

Бу йил ҳамма марказдаги терим машиналари, агрегат-механизмлар икки сменада ишлатилади. Хўжаликларнинг раҳбарлари механизатор кадрлар составини комплектлаши, мураббийлик ҳаракатини кучайтириш йўли билан ёш механизаторларнинг малакасини ошириш ҳақида ғамхўрлик қилишлари керак. Карталар механизаторларга биркитиб қўйилиши, ким қайси картада ғўза парвариши ўтказаётган бўлса, ўша пайкалнинг пахтасини териб беришини, ҳосилнинг миқдори ва сифатидан шахсий манфаат кўришини одат тусига киритмоқ керак.

Пахта терими вақтида дала бошида хизмат кўрсатадиган кўчма устахоналар, уларда иш олиб борадиган механиклар, пайвандчилар, токарлар состави ҳам шу кунларда комплектлаб қўйилиши лозим.

20 августгача барча хўжаликлардаги терим машиналари, агрегат-механизмларни тўла ремонтдан чиқариб, мавсумга шайлаб қўйиш механизаторларимизнинг шон-шараф ишидир. Бу билан «зангори кема»ларда уч миллион тонна пахта теришга мустаҳкам замин яратамиз.

„Правда“ мухбири саволларига Л. И. БРЕЖНЕВнинг жавоблари

Савол. Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгаш тамом бўлганлиги ҳамда Якунловчи акт имзоланганлигининг бир йиллиги муносабати билан, Сизнинг фикрингизча, бу кенгашнинг аҳамиятини қандай баҳолаш мумкин?

Жавоб. Кенгаш жуда катта аҳамиятга молик воқеа бўлди. Бизнинг назаримизда, энг муҳими шундан иборатки, у кенгашда қатнашган ҳамма мамлакатлар халқларининг тинчликка бўлган хоҳиш-иродасини ифодалай олди.

Хельсинки кенгашини ўтказишга эришиш осон бўлмади. Бу йўлда кўпгина чигаллиқлар пайдо бўлди. Турли социал тузумга ва дунёқарашларга мансуб бўлган давлатлар музокаралар столи ёнида учрашдилар. Шундай бўлса ҳам, Европа хавфсизлиги ва ҳамкорлигининг туб проблемалари хусусида умумий бир фикрга келиш муддаоси устун бўлиб чиқди. Айни шу нарса муваффақиятни таъминлаб берди.

Ўтган йил давомида у ёки бу масалалар хусусида кенгашда эришилган аҳдномага раҳна солиш йўлида неча марталаб уриниб кўрилди. Аммо нималар қилинганлиги ва нималар қилиниши лозимлигини баҳолаш пайтида тарози палласига қандайдир жузъий ҳодисаларни эмас, балки Европадаги 33 давлатни, АҚШ ва Канадани бирлаштирган катта ишни қўймоқ керак.

Биз ҳаммамиз Хельсинкига ана шундай мақсад билан келдик ва Якунловчи акт остига ўз имзомизни қўйдик. Коллектив бўлиб ишлаб чиқилган бу ҳужжат Европадаги сиёсий иқлимни соғломлаштириш ишида эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, давлатлараро ишларни, биринчи галда Европага татбиқан ва кўп жиҳатдан жаҳон шумул характердаги проблемаларни бартараф этишнинг потенциал имкониятлари нуқтаи назаридан масъулият билан реалистик олиб боришнинг узоқ муддатли истиқболини белгилаб берди. Бу ҳужжат халқаро кескинликни юмшатиш, дунёнинг ҳарбий можаролар бўлиб турган районларида шу можароларни тўхтатиш, давлатларнинг ички ишларига мутлақо аралашмаган ҳолда уларнинг тинч ҳамкорлигини ривожлантириш хусусида аниқ йўл-йўриқлар беради.

Бир йил муқаддам Хельсинкида эришилган натижалар узоқ умр кўриши муқаррарлиги ва ҳеч ким уни қақшатишга, зайфлаштиришга муваффақ бўла олмаслиги шубҳасиз.

Шуни дадил айтиш мумкинки, хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгаш туфайли Европа шу пайтгача бўлганига нисбатан анча салмоқли погонага янада баланд кўтарилди. Европа энг муҳим халқаро проблемаларни ҳал этиш йўлларини янада қатъият билан яхшироқ қидиришни, кескинликни юмшатиш, давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни ва халқлар ўртасидаги тинчликни чуқурлаштириш манфаатлари йўлида янада кўпроқ амалий самарадорлик билан ишлашни ўрганди.

Бу сўзларда умидворлик туйғуси устунлик қилади, дейишлари мумкин. Ҳа, дарҳақиқат шундай.

Савол. АҚШ, ГФР, Франция ва Англиянинг башарти Италия ҳукуматига шу мамлакат Коммунистик партиясининг вакиллари киритиладиган бўлса, Италияга иқтисодий тазйиқ чоралари қўлланиши хусусида келишиб олганликлари кўпгина мамлакатларда қаттиқ қораланди. Сизнинг бу борадаги фикрингиз қандай?

Жавоб. ГФР канцлери, АҚШ президенти ҳамда Ғарбдаги бошқа баъзи бир давлат арбоблари айтган гаплардан бу фактнинг ўзи рад этилмаётганлиги кўриниб турибди. Тўғри, расмий баёнотларда ва матбуот хабарларида ўзига хос нозик иборалар бор. Аммо ишнинг моҳияти равшан: башарти Италия ҳукуматига коммунистлар киритиладиган бўлса, унга нисбатан иқтисодий жазо чораси кўрмоқчи бўлиб туришибди.

Совет кишилари итальян коммунистлари номидан гапирмоқчи эмаслар, албатта. Италия Коммунистик партияси бу ҳақдаги ўз фикрини айтди. Жамоатчиликнинг қаҳр-газаб тўлқини Италиядан бошқа жойларда ҳам кўтарилганлигидан хабардормиз. Умуман, бутун шу масала соф итальян доираларидан ташқарига чиқиб кетди.

Масаланинг шундай бир жиҳатини олайлик. Капиталистик мамлакатларнинг сиёсий арбоблари кўпинча, шу жумладан турли-туман халқаро анжуманларда сайлов қутиларидаги овозларни саналаш демократиянинг тамсоли, деб мақтанадилар. Хўш, амалда қандай бўлиб чиқмоқда? Ваҳолонки, итальян сайловчиларининг учдан бир қисмидан кўпроғи айни овоз бериш йўли билан Коммунистик партияга ишонганликларини изҳор этдилар. Аммо итальян халқининг хоҳиш-иродасини ҳисобга олишни истамаётгирлар.

Италиядаги сайлов натижаларини ёқтирмайдиган кишиларга бу демократия арзимас матоҳ эканлиги маълум бўлиб қолди. Уларнинг муайян демократик нормаларга риоя этиш бобидаги тантанали баёнотлари билан уларнинг Италияга нисбатан эълон қилган сиёсий йўли ўртасидаги тафовут бунинг далили эмасми, ахир?

Мамлакат ҳукуматига коммунистларни бир амаллаб йўлатмаслик пайига тушган айрим давлатлар Италиянинг гирибонидан олишга тайёр бўлиб турганликларининг соф халқаро жиҳати ҳам бор. Европа коммунистик ва ишчи партиялари, шу жумладан Италия Коммунистик партияси ўзларининг Берлиндаги конференциясида тинчлик, қуролланиш пойгасини тўхтатиш, кескинликни юмшатиш йўлини эълон қилганлиги, афтидан, юқоридаги давлатларнинг ташқи сиёсатини белгилашга алоқадор айрим доираларнинг дидига ёқмаётганга ўхшайди.

Ғарбдаги айрим давлатлар Италия ҳукуматини тузиш жараёнига аралашаётганлиги — уларнинг кучли эканлиги нишонаси бўлмай, балки социал тараққиётнинг қудратли оқимидан чўчиётганлигининг белгисидир. Бундай аралашув Хельсинки Якунловчи актига мутлақо зид эканлиги хусусида махсус гапириб ўтишга зарурат бўлмаса керак.

Ташқаридан туриб буйруқбозлик қилишга уриниш бизнинг замонамизда тескари натижалар беради. Бу уринишлар коммунистик ва ишчи партияларнинг миллий озодлик ҳаракатларининг ҳамма тинчликсевар кучларнинг халқлар тинчлиги, мустақиллиги ва озодлиги буюк ишини қаттиқ туриб ҳимоя қилишда янада кўпроқ кучғайрат ва жипслик кўрсатиш зарурлигига бўлган ишончини тобора кучайтиради.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

АРМИЯ ГЕНЕРАЛИ Д. Ф. УСТИНОВГА СОВЕТ ИТТИФОҚИ МАРШАЛИ ҲАРБИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

СССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

Армия генерали Дмитрий Федорович **Устиновга Совет Иттифоқи Маршали** ҳарбий унвони берилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. ПОДГОРНИЙ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль. 1976 йил, 30 июль.

* * *

Д. Ф. Устинов 1908 йилда Самара шаҳрида (ҳозирги Куйбишев шаҳри) ишчи оиласида туғилди. 1927 йилдан буён КПСС аъзоси. 1927 йилда ҳунар-техника мактабини тамомлаб слесарь бўлиб ишлади. 1934 йилда ҳарбий-механика институтини тамомлаганидан кейин артиллерия илмий-тадқиқот денгиз институтида инженер бўлиб, сўнгра завод инженер-конструктори, бош конструктор ўринбосари, директори бўлиб ишлади.

1941—1953 йилларда қурол-яроғ халқ комиссариати, сўнгра министри бўлди. 1944 йилда унга генерал-полковник ҳарбий унвони берилди. 1953—1957 йилларда СССР мудофаа саноати министри бўлиб ишлади. 1957 йилдан 1965 йилгача СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, сўнгра биринчи ўринбосари, СССР Бутуниттифоқ халқ хўжалиги кенгашининг раиси бўлди. 1965 йилдан КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Марказий Комитет секретари бўлиб ишлади, 1976 йилнинг мартида эса КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси қилиб сайланди. Шу йилнинг апрелидан СССР мудофаа министри лавозимида ишламоқда.

Қурол-яроғ ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва қуролларнинг янги турларини ўзлаштириш соҳасидаги жуда катта хизматлари учун ўртоқ Устиновга 1942 йилда Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди, 1961 йилда эса у Социалистик Меҳнат Қаҳрамонининг иккинчи «Ўроқ ва Болга» олтин медали билан мукофотланди. У Давлат мукофотининг лауреатидир.



ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ. Куйи Чирчиқ районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози механизаторлари пахта теримида ҳар йили ҳам сарқорлик қиладилар. Суратда: илғор механизатор Худойберди Тўйчиев ремонтдан чиқарилган машиналарни сўнгги кўриндан ўтказяпти.

В. Сиротнин фотоси.

МОСКВАДА УЧРАШУВ

СССР Ташқи ишлар министрлигининг таклифига биноан 27 июлдан 29 июлгача Москвада Белоруссия ССР, БХР, ВХР, ГДР, КХДР, Куба, Лаос ХДР, МХР, ПХР, РСР, СССР, Украина ССР ва ЧССР ташқи ишлар министрлари ўринбосарлари ва Ташқи ишлар министрликлари бошқа раҳбар ходимларининг, шунингдек, Узаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши секретариати вакилларининг маслаҳат кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашда кузатувчи сифатида Вьетнам Социалистик Республикасининг СССРдаги элчиси иштирок этди.

Кенгаш иштирокчилари БМТнинг фаолиятига доир муҳим проблемалар ва БМТ Бош ассамблеясининг XXXI сессияси масалалари тўғрисида фикрлашиб олдилар Учрашув самимий ва дўстона вазиятда ўтди.

(ТАСС).

КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ТЎҒРИСИДА ДЕПУТАТЛАР ҒАМХЎРЛИГИ

Ўзбекистон ССР Олий Советининг саноат доимий комиссияси 30 июль куни навбатдаги мажлис ўтказди. Бу мажлисда республика Енгил саноат министрлигининг малакали кадрлар тайёрлаш соҳасидаги тадбирларни қандай бажарганлиги тўғрисидаги ҳисоботи қараб чиқилди.

Министрликнинг кадрлар билан олиб бораётган ишида бир қанча ижобий жиҳатлар борлиги қайд қилинди. Ишлаб чиқаришда ўқув-курс комбинатларида ва тармоқ ҳунар билим юртларида ҳар йили қарийб ўн етти минг ишчи тайёрланмоқда. Йигирма олти мингдан кўпроқ киши ўз малакасини оширмоқда. Тошкент тўқимачилик комбинати доктор тўқувчиси А. С. Верзилинадан ибрат олиб, мураббийлардан сал кам олти минг киши ёш ишчилардан 107 минг кишига оталиқ қилмоқдалар.

Шу билан бирга депутатлар айрим камчиликларни ҳам кўрсатиб ўтдилар. Министрлик янги ҳунар билим юртларини қуриш топшириғини тўлиқ бажаргани йўқ. Баъзи корхоналарда кадрларнинг қўнимсизлиги катта.

Доимий комиссия республика Енгил саноат министрлигида малакали кадрлар тайёрлаш соҳасидаги ҳамма ишларни такомиллаштиришга, ишлаб чиқариш қувватларини ўстириш учун корхоналарни кадрлар билан таъминлашга қаратилган бир қанча тавсиялар берди.

(ЎзТАГ).

«КОСМОС-846» ПАРВОЗДА

1976 йил 29 июль куни Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши — «Космос-846» учирилди.

(ТАСС).

ҲИНДИСТОН ПАРЛАМЕНТ АЪЗОЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Узбекистон пойтахтининг меҳнаткашлари Ҳиндистон парламенти халқ палатасининг спикери Б. Р. Бхагат бошчилигидаги Ҳиндистон парламенти делегациясини 30 июль куни хушнудлик билан кутиб олдилар. Делегация СССР Олий Советининг таклифига биноан расмий визит билан Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турибди. Сафарда меҳмонларга СССР Олий Советининг депутати П. П. Петрик ҳамроҳлик қилмоқда.

Ҳиндистон Республикаси, Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР давлат байроқлари билан безатилган Тошкент аэропортида делегацияни Узбекистон ССР Олий Советининг Раиси С. Х. Сирожиддинов, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Шу куни Ҳиндистон парламент аъзоларини Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. М. Матчонов қабул қилди. Бўлиб ўтган дўстона суҳбат чоғида делегация аъзолари республика эришган ютуқлар билан, ўнинчи беш йиллиқда республика экономикаси ва маданиятини ривожлантириш истиқболлари билан, Ўзбекистон ССР Олий Советининг фаолияти билан таништирилди.

Суҳбатда Узбекистон ССР Олий Советининг Раиси С. Х. Сирожиддинов, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, ташқи ишлар министри М. Т. Турсунов иштирок этдилар.

Ҳиндистон парламентининг аъзолари республика пойтахтининг диққатга сазовор жойларини, унинг янги уй-жой кварталларини кўздан кечирдилар. Улар Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхозига бориб келдилар.

(ЎзТАГ).

ТЕМИРИЙЎЛЧИЛАР КУНИГА БАҒИШЛАНАДИ

30 июль куни Тошкентда Темирйўлчилар кунига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди. Пўлат магистралларнинг илғор меҳнатчилари, шаҳар жамоатчилигининг вакиллари пойтахтдаги темирйўлчилар саройига тўпландилар.

Ўрта Осиё темир йўлиничг бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. М. Қодиров Темирйўлчилар куни тўғрисида доклад қилди.

(ЎзТАГ).

Ф. ХЎЖАЕВ ХОТИРАСИ

Узбекистон жамоатчилиги Ленин партиясининг содиқ фарзанди, таниқли совет давлат арбоби, Узбекистон ССР Халқ Комиссарлари Советининг биринчи Раиси Файзулла Хўжаев туғилган кунинг 80 йиллигини нишонлади.

Шонли санага бағишланиб 30 июль куни В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиали катта залида илмий конференция бўлиб ўтди, конференцияни Узбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институти ташкил этди.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми республика матбуотида кўп йиллар, самарали ишлаганлиги ва туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан «Совет Узбекистони» республика газетасининг редактори Максуд **Қориевни** Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

МУҲИМ ПАЛЛА ОЛДИДАН

Фарғона водийси, Бухоро областидаги маккажўхоризорларда экинни тўртинчи суғоришга киришилди. Қашқадарё ва Сурхондарё областларидаги айрим бригадаларда эса, маккажўхорини дон учун йиғиштириб олиш бошланди.

Республика маккажўхорикорлари ҳамма жойда ўрим-йиғимни август ойининг иккинчи ўн кунлигида бошлайдилар, — дейди Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалиги министрлиги галла экинлари бош бошқармасининг бошлиғи И. Бобожонов. — Деҳқонлар бу йил ўтган йилдагига нисбатан 60 минг гектар кўп майдондаги маккажўхори ҳосилини йиғиштириб олишлари керак. Шу нарса қувончлиги, мавжуд 2 минг 300 бригадада 260 коллектив гектаридан юз центнер маккажўхори дони олишга аҳд қилдилар. Юқори Чирчиқ ва Сирдарё районларидаги хўжаликларнинг ҳаммасида ана шунчадан ҳосил йиғиштириб олиш мўлжалланмоқда.

Республикада ўтган йили бу экиндан гектар бошига 53 центнердан ҳосил олинган бўлса, бу йил гектаридан 70 центнердан маккажўхори дони олиш мўлжалланмоқда. Андижон, Тошкент, Сирдарё областларининг меҳнаткашлари маккажўхорининг баравж бўлишига эришдилар. Ҳар гектар маккажўхори донига камида 500 килограммдан аммиак селитраси ва шунчадан суперфосфат солинди. Маккажўхори вақтида культивация қилинди, суғорилди.

Техниканинг деярли ҳаммаси — маккажўхорини йиғиштириб оладиган комбайнларнинг қарийб 90 проценти ўрим мавсумига тайёрлаб тахт қилиб қўйилди.

Далаларда ўтган йилдагидан 800 та кўп, яъни 2400 та ўрим-йиғим машинаси ишлайди. Ҳар битта комбайнга учтадан трактор тележкаси бириктириб қўйилган. Маккажўхори дони ва кўкпоясини ташишда автомобиль машиналаридан кенг фойдаланилади. Ўрим-йиғимни яхши синалган группа усулида ўтказиш мўлжалланмоқда. Бу — механизмлардан юқори унумли фойдаланиш имкониятини беради.

Ҳосил сўтаси билан топширилмайди, балки дон ҳолида топширилади. Маккажўхорини янчиш учун 700 та галла комбайни, 600 та молотилка қайта ускуналанди. Бу эса хўжаликларнинг ўзида чиқиндилардан — тозаланган сўталардан ва майдаланиб кетган дондан фойдаланиш имкониятини беради.

ҚИШЛОҚДА ЮКСАК ТУРМУШ МАДАНИЯТИ УЧУН

ИНСОН ҳамиша ўз ҳаётига гўзаллик киритишга интилади. У табиатан гўзалликка, турмушини гўзал қилишга ихлосманд. Одамларнинг тарбияси, уларнинг руҳий ва маънавий қиёфаси шаклланиши ҳам кўп жиҳатдан турмушнинг нақадар омилкорлик билан ташкил этилганлигига, турмуш маданияти нақадар юксаклигига боғлиқдир. Юксак турмуш маданияти учун кураш — аввало янги инсон учун, коммунистик жамият қуриш учун кураш демакдир. Шу боисдан аҳоли турмуш даражасини ошириш масаласи доимо партия ва ҳукуматимизнинг диққат марказида турибди. Партия, совет ташкилотлари меҳнаткашларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган тадбирларнинг бутун бир комплексини амалга оширмоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев партия XXV съездида айтганидек, «Бу айтиш лозим бўлган биринчи гап. — КПСС XXIV съезди белгилаб берган бош вазифани ҳал этишдаги, — халқнинг турмуш даражасини оширишдаги муваффақиятлардир, ҳисобот даври мобайнида бажарилганига нисбатан бу қадар кенг социал программа мамлакат тарихида ҳеч қачон бўлмаган эди».

Республика партия ташкилоти қишлоқ меҳнатчиларини коммунистик руҳда тарбиялаш уларнинг турмушини яхшилаш масаласи билан мунтазам шуғулланиб келмоқда. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети 1964 йил июнь ойида бўлиб ,ўтган пленуми турмуш маданиятини ошириш, ўтмиш саркитларини бартараф этиш масаласини кўриб чиқиб, кенгайтирилган қарор қабул қилган эди. Бу қарор барча партия ташкилотлари учун асосий ҳужжат бўлиб қолди. Қишлоқда турмуш маданиятини юксалтириш учун катта ва изчил юриш ана шу вақтдан бошланди.

Андижон область партия ташкилоти ҳам халқнинг турмуш даражасини ошириш борасида анча ишлар қилди. Бу масала область, шаҳар ва район партия комитетларининг пленумларида, бюро мажлисларида, коммунистларнинг йиғилишларида, меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советлари сессияларида ва ижроком мажлисларида мунтазам равишда муҳокама қилинадиган бўлиб қолди. Барча шаҳар ва район партия комитетларида, бошланғич партия ташкилотларида меҳнаткашларнинг турмушини яхшилашга қаратилган тадбирлар ишлаб чиқилиб, изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Бугун бу вазифани қандай амалга ошираётганимиз ва эртага қандай яшашимиз бизнинг ютуғимизга — меҳнат борасидаги муваффақиятларимизга боғлиқдир. Бунни яхши англаган областимиз меҳнаткашлари деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни йилдан йилга кўпайтириб, катта даромадга эга бўлмоқдалар. Шуни эслатиб ўтиш кифоя қиладики, ўтган беш йилликда Андижон областида аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромад кескин ортди. Ишчи ва хизматчиларнинг ўртача ойлик маоши 109 сўмдан 135 сўмга, колхозчилар меҳнатига ҳақ тўлаш 89 сўмдан 102 сўмга кўпайди. Пенсия ва бошқа имтиёзлар 1,7 баравар ошди. Меҳнаткашларнинг жамғармалари икки ҳисса ўсди. Аҳоли даромади ва унинг харид қилиш қобилиятининг ортиши давлат ва кооператив савдосининг ўсишига олиб келди.

Тўққизинчи беш йилликда давлат ва кооператив савдосининг товар оборот 165 миллион сўмга етди ёки 18,1 процент ўсди. Бу рақамлар кишиларнинг турмуш даражаси ва ҳаёт тарзида туб силжиш бўлганлигини билдиради.

Кейинги икки йил мобайнида 30 минг кишининг уй-жой шароити яхшиланди. Қишлоқ меҳнаткашларининг фаровонлиги юксак даражада кўтарилди. Беш йилда 2 миллион 60 минг квадрат метр уй-жой қурилди. Мактаблар ва болалар муассасалари, касалхона ва поликлиникалар, клуб ва маданият саройлари, магазин ва маиший хизмат кўрсатиш комбинатлари қурилиши кенг миқёсда авж олиб кетди.

Партия, совет ташкилотлари умумий ўрта таълимга ўтишда катта ишларни амалга оширдилар. Фақат 1975—1976 ўқув йилининг ўзида 48 та янги мактаб қуриб битказилди. Бу — саккизинчи беш йилликда қурилган мактаблар сонига баравардир. Ўтган беш йилда кабинет системасига ўтган мактаблар сони уч баравар кўпайди. Олий маълумотли ўқитувчилар салмоғи 57 процентдан 68 процентга ўсди.

Хутор системаси қишлоқ меҳнатчиларига маданий ва коммунал-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш йўлида катта тўсиқ бўлиб турар эди. Республика партия ташкилоти хутор системасини тугатиш, қишлоқ аҳолисини обод посёлкаларга кўчириш программасини белгилаб берди.

1972 йилда шу масала юзасидан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан республика Министрлар Советининг «Республика колхозларида хутор системасини тугатиш ва капитал қурилишни тубдан яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қарори эълон қилинди.

Андижон область партия, совет, хўжалик ташкилотлари ана шу қарорни амалга ошира бориб, хуторларни планли равишда тугатиш ишини кенгайтириб юбордилар. Кейинги уч йил ичида 98 та хутор тугатилиб, 100 гектардан кўпроқ ҳайдаладиган ер бўшатиб олинди. Областимиздаги 971 хутор ва майда қишлоқ ўрнига 293 обод посёлка қурилади.

Қисқа муддат ичида хутор системасини тугатиб бўлмайди, албатта. Аммо бу иш давом этиб, йил сайин кенгайиб ва кучайиб бормоқда. Биз, миқдор кўрсаткичлари тўғрисидагина эмас, шу билан бирга сифат кўрсаткичлари тўғрисида ҳам доимо ғамхўрлик қиляпмиз. Янги посёлкалардаги иморатлар юксак маданият масканн бўлиши, қишлоқ меҳнатчиларининг яшаши учун ҳамма қулайликлар муҳайё қилиниши лозим. Областнинг бир қанча колхоз ва совхозларида худди шундай посёлкалар қурилмоқда.

ИЗБОСКАН районидаги Охунбобоев номли колхозни намуна қилиб кўрсатиш мумкин. Областдаги пещқадам хўжаликлардан бири бўлган бу колхоз гектаридан 40 центнердан «оқ олтин» етиштираётганлиги билангина эмас, барча қишлоқ аҳлининг турмуш маданияти юксак даражага кўтарилганлиги билан ҳам машҳурдир. Колхозда етарли уй-жой фонди бор. Кейинги тўрт йил ичида 250 та уй қад кўтарди. Колхозчиларнинг уйларига газ ва водопровод киритилган. Ҳамма уйлар электр билан таъминланган. Кўча ва майдонлар асфальтланиб, кўкаламзорлаштирилган. Бу ерда мактаблар, болалар боғчалари, касалхона, туғруқхона, магазин ва бошқа маданий-маиший объектлар ишлаб турибди.

Колхоз паркига ҳамманинг ҳаваси келади. Бу ерда кўл, чойхона, кафе, болалар майдончаси, Қаҳрамонлар хиёбони бор. Маданий ҳордиқ чиқариш учун ҳамма шароит яратилган. Турмуш маданияти университетининг ибратли иши ҳам ҳаммага манзур бўлаяпти. Университетда уйларни қандай жиҳозлаш, янги шароитда уй-рўзғор ишларини қандай юритиш тўғрисида фойдали маслаҳатлар берилади.

Пахтаобод районидаги «Коммуна», Жалолқудуқ районидаги Димитров номли, Бўз районидаги Тельман номли, Хўжаобод районидаги «Ленинград» колхозларида, Комсомолобод районидаги «В. И. Ленин 100 йиллиги», «Оқолтин» совхозларида аҳолининг турмуш маданиятини яхшилаш учун оммавий юриш бошланганини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман.

Турмуш маданияти кўп соҳаларни ўз ичига олади. Меҳнаткашларнинг фаровонлигини ошириш тўғрисида гапиранда мактаб, болалар боғчалари, даволаш муассасалари, кутубхоналарни четлаб ўтиб бўлмайди. Ўтган беш йилликда 21 минг 112 ўринли 185 та боғча қурилиб фойдаланишга топширилди. Бу эса боғчаларини болаларни икки баравар кўпайтириш имконини берди. Колхоз болалар боғчаларининг сони икки баравар кўпайди.

Областда соғлиқни сақлаш ишлари анча ривож топди. 1800 врач, 3 минг ўрта медицина ходими меҳнат аҳлига хизмат қилмоқда. Областда аҳоли пунктлари ёпасига электрлаштирилиб, радиолаштирилиб бўлинди. Йўл қурилиши, автомобиль транспорти ва алоқа янада юксалди. Қишлоқлардаги телефон номерлари кўпайди. Қишлоқ меҳнаткашларининг аксаряти телевидение кўрсатувларини томоша қилмоқда.

Қишлоқ аҳолисининг турмуш маданиятини оширишда савдо ва умумий овқатланишнинг роли катта. Область қишлоқларида савдо ва умумий овқатланиш корхоналари тармоғи анча кенгайтирилди. Ўтган беш йилда 218 та магазин, 87 та умумий овқатланиш корхонаси қурилди. Москва, Жалолқудуқ районларида, Булоқбоши қишлоғида, Куйганёр посёлкасида замонавий ресторанлар, намунали ошхона ва чойхоналар қуриб битказилди. Бу ердаги умумий овқатланиш ходимлари юксак хизмат маданиятига эришдилар.

Қишлоқ меҳнатчиларининг фаровонлиги ва маданий савияси ошиб бораётганлигининг шарофа 1 билан уларда янги-янги эҳтиёжлар пайдо бўлмоқда. Узоқ муддат фойдаланиладиган молларга, маданий, маиший ва рўзғор буюмларига талаб ортиб кетди. Холодильник, телевизор, кир ювиш машиналари сотиб олиш кескин кўпайди. Область партия, совет ташкилотлари бу эҳтиёжларни тўлароқ қондириш, қишлоқ аҳолиси ҳаётининг маданий-маиший ишларини шаҳар кўрсаткичлари даражасига кўтариш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

Ўтган беш йил ичида қишлоқ жойларида китоб сотиш икки баравар ортди. 95 кутубхона, ўнлаб ихтисослаштирилган китоб магазинлари уларга хизмат қилмоқда. Область партия, совет ташкилотлари қишлоқларда маиший хизматни яхшилаш учун зарур чораларни кўрмоқдалар. Аҳолига хилма-хил хизмат кўрсатадиган замонавий корхоналар кўпаймоқда. Қишлоқдаги маиший хизмат ҳажми беш йилда икки баравардан зиёд ошди.

КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА область қишлоқ жойларида физкультура ва спорт янада ривожланди. Физкультура ташкилотларининг моддий базаси анча мустаҳкамланди. Қишлоқ спортчилари сафи 66 минг кишига етди. Улар орасида 526 спорт мастерлигига кандидат, оммавий разряддаги 29 минг спортчи, ГТО комплексининг 36 минг нишондори бор. Андижон, Избоскан, Жалолқудуқ районларида спорт ишлари яхши йўлга қўйилди.

Область партия активининг шу йилнинг биринчи ярмида бўлиб ўтган йиғилишида қишлоқ жойларида физкультура ҳаракатини ривожлантириш масаласи муҳокама қилинди. Меҳнаткашларнинг жисмоний тарбияси ҳақида, физкультура коллективларининг моддий базасини мустаҳкамлаш, спорт ишини кескин юксалтириш юзасидан конкрет тадбирлар белгиланди.

Ишимизда камчиликлар ҳам йўқ эмас. Қишлоқ қурилишида ҳали нуқсонлар кўп. Қишлоқни қайта қуриш эски уйларнинг ўрнига янгиларини қуриб қўяверш деган гап эмас. Аҳоли пунктлари обод ва зич бўлиши лозим. Лекин областдаги айрим хўжаликларнинг раҳбарлари бунга амал қилмаётирлар. Бош плансиз уй-жой қуришга узил-кесил чек қўйилганк йўқ. Лойиҳалаш ташкилотларига жиддий эътирозларимиз бор. Қишлоқ учун ҳар жиҳатдан мукаммал бўлган типовой лойиҳалар кам. Бор-лари ҳам архитектура жиҳатидан талабга жавоб бермайди. Бир-бирига ўхшаш, қишлоқ жамолини очмайдиган лойиҳалар ҳам кўп. Эртанги қишлоқни водопроводсиз, газсиз тасаввур этиш қийин. Бу соҳада олиб борилаётган ишларимиз ҳам кўнгилдагидек эмас. Қишлоқларда қурилаётган уйларни марказдан иситиш, канализация тармоқларига улаш сингари яқин келажак қулайликлари лойиҳаларда акс этмаган. Ваҳолонки эндиликда буларни эътиборга олмаслик мумкин эмас.

Қишлоқ меҳнаткашларига малакали медицина хизмати кўрсатиш масаласи ҳам талабга жавоб бермайди. Қишлоқ посёлкаларида малакали врачлар етишмайди. Аҳолининг санитария маданиятини ошириш проблемаси қишлоқ зиёлилари бутун армиясининг доимо куч-ғайрат сарфлашини талаб қилади. Мактабларда болаларга гигиена қоидаларини ўргатишга, турмуш гигиенаси ва маданияти халқ университетларини янада кўпайтиришга алоҳида эътибор бериш зарур.

Халқ фаровонлигини ошириш вақт, куч-ғайрат, катта маблағ ва ресурслар талаб қилади. Ҳар бир район ва ҳар бир хўжаликда маданий-маиший тадбирларнинг беш йилга мўлжалланган комплекси белгилаб чиқилди. Беш йил давомида нималар қилиш кераклиги аниқланиб, область Советининг сессиясида тасдиқланди.

Тузилган планга кўра областда қурилиш ҳажми ўтган беш йилдагига нисбатан тахминан 1,3 марта кўпайтирилади. Аҳоли жон бошига кўрсатиладиган маиший-хизмат қишлоқларда кескин оширилади. 70 минг ўқувчига мўлжалланган мактаблар, 25 минг ўринли боғчалар, 2 минг ўринли касалхоналар, 5 минг томошабинга хизмат қиладиган клублар, ўлкани ўрганиш музейи, кўпгина савдо ва умумий овқатланиш корхоналари қурилади.

Кишларнинг турмуши қанчалик тўқ, маданий ва фаровон бўлса, уларнинг онги, дунёқараши, руҳи ҳам шу қадар теран, беғубор ва гўзал бўлади. Андижон область партия ташкилоти шуни эътиборга олиб, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш, уларнинг турмуш маданиятини ошириш масалалари билан мунтазам шуғулланмоқда.

И. УСМОНХЎЖАЕВ,
Андижон область партия комитетининг биринчи секретари.

СОВЕТЛАР МАМЛАКАТИДА

БЕШ ЙИЛЛИК ОДИМЛАРИ

КИЕВ. Украина ССР саноати маҳсулотни реализация қилиш ҳажми, меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулотнинг энг муҳим турларидан кўпчилигини ишлаб чиқариш юзасидан ярим йиллик планни ошириб бажарди. Планда кўзда тутилганидан 739 миллион сўмлик кўп маҳсулот реализация қилинди.

Республика қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари кўкламги дала ишларини уюшқоқлик билан ўтказдилар.

Давлат корхоналари ва ташкилотлари, уй-жой қурилиш кооперативлари жами (фойдали) саҳни 4,5 миллион квадрат метр бўлган 97 мингта янги шинам квартираларни фойдаланишга топширдилар. Бундан ташқари, колхозлар ва аҳолининг ўзи кўплаб квартира ва шахсий уйлар қуришди.

* * *

МИНСК. Белоруссия ССР саноати маҳсулотни реализация қилиш, маҳсулот энг муҳим турларидан кўпчилигини ишлаб чиқариш ва меҳнат унумдорлигини ошириш ярим йиллик планнинг ортиғи билан бажарди.

Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари кўкламги дала ишларини уюшқоқлик билан ўтказдилар.

Давлат корхоналари ва ташкилотлари, уй-жой-қурилиш кооперативлари жами (фойдали) саҳни 990 минг квадрат метр келадиган 20,5 мингта янги шинам квартираларни фойдаланишга топширдилар.

Белоруссия ССР аҳолиси 1976 йил 1 июля 9,4 миллион кишига етди.

* * *

ВИЛЬНЮС. Литва ССР саноатининг ходимлари товар маҳсулотини реализация қилиш ярим йиллик планини 102,3 процент бажардилар. Ишлаб чиқаришнинг ўсиши ўтган йилнинг шу даврдагига нисбатан йиллик планда белгиланган 4,2 процент ўрнига 6,4 процент бўлди.

Колхозлар ва давлат хўжаликлари экиш кампаниясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш, экинларни парваришлаш, чорвачилик маҳсулотларни етиштиришни кўпайтириш ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш планларини бажариш соҳасида кўп иш қилдилар. Қорамоллар туёғи, парранда кўпайди.

Капитал қурилиш соҳасида катта программа амалга оширилди.

* * *

ФРУНЗЕ. Қирғизистон ССР саноат корхоналарининг коллективлари маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш юзасидан биринчи ярим йиллик планни муваффақиятли бажардилар.

Қишлоқ меҳнаткашлари катта муваффақиятларга эришдилар. Колхоз ва совхозларнинг ходимлари давлатга чорва мол ва парранда, сут ва тухум сотиш ярим йиллик планларини бажардилар.

Давлат ва кооператив савдосининг чакана товар оборот ўтган йилнинг биринчи ярмидагига нисбатан 5,7 процент кўпайди. Аҳолига кўрсатилган маиший хизматларнинг ҳажми ўн процент ортди.

Қирғизистон ССРнинг аҳолиси 1976 йилнинг биринчи июлида 3,4 миллион кишига етди. (ТАСС).

КИЧКИНТОЙЛАРГА ҒАМХЎРЛИК — БУТУН ЖАМОАТЧИЛИК ИШИ

ЮТУҚЛАР СОЯСИДАГИ НУҚСОНЛАР

Кейинги йилларда Қорақалпоғистон Автоном Республикасининг саноати, транспорти, қурилиши, қишлоқ хўжалиги,фан ва маданияти янада ривожланди. Меҳнаткашларнинг моддий фаровонлиги юксалди.

Қорақалпоғистон Автоном Республикасида ҳам болалар боғча-яслилари қуриш умумхалқ ишига айланди. Кўпчилик саноат корхоналарида, колхоз ва совхозларда замонавий боғча-яслилар ишлаб турибди. Янгидан-янги болалар мактабгача тарбия муассасалари қуриляпти. 1970 йилда автоном республикада 162 та боғча-яслида 14 минг 200 бола тарбияланган бўлса, ҳозир эса уларнинг сони 260 тага етказилиб, 21 минг 858 бола камол топмоқда.

Тўққизинчи беш йилликда 9330 ўринли 83 та янги типдаги боғча-яслилар қурилиб, ишга туширилди. Жумладан, маҳаллий советлар ҳисобидан 11 та, совхозлар йўли билан 17 та, колхозлар ҳисобидан 35 та боғча ва яслилар қурилди.

Бироқ колхоз ва совхозларда боғча-яслилар қурилишининг ҳозирги аҳволи шу куннинг юксак талаби даражасида эмас. Ҳозир 11 та совхозда ва учта колхозда боғча-ясли, умуман, йўқ.

Ленинобод районидаги Свердлов номли, Қўнғирот районидаги «Ленинизм», Нукус районидаги Жданов номли, Кегайли районидаги «Қизил аскар», Мўйноқ районидаги «Мўйноқ», «Қозоқдарё» совхозларида, Тўртқўл районидаги «Москва», Беруний районидаги «Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги», Ленин номли колхозларда ҳалигача боғча-яслилар қурилмаётганлигини қандай баҳолаш керак?

Колхоз ва совхозларда боғча-ясли қуриш ишларини Қ. Режебов бошлиқ 12-қурилиш тресті, Э. Татибоев бошлиқ республика колхозлараро қурилиш тресті, автоном республика қишлоқ хўжалик министрлигига қарашли С. Реймназаров бошлиқ ремонт қурилиш бошқармаси коллективлари олиб бормоқдалар. Ана шу қурилиш ташкилотлари боғча-ясли қуриш бўйича кетма-кет буюртмалар олаверадилар. Олган буюртмаларни планга киритиб улгурмасдан, ишни чала қолдириб кетаверадилар. Бу йил битказилиб ишга туширилиши лозим бўлган объектлар келаси йилга қолдирилади.

Масалан, «Мангит», «Шуманай», Охунбобоев номли ва бошқа хўжаликлардаги боғча-ясли қурилишлари белгиланган муддатлардан тўртбеш йил ўтгандан кейин бажарилиб, ишга туширилди.

1975 йилда автоном республика қишлоқ хўжалик министрлиги тўққиз хўжаликда боғча-ясли қуришни мўлжаллаган эди. Шундан атиги тўрттасигина қуриш планига киритилди. Бу қурилишлар ҳам ниҳоясига етказилмади. Сўнгра бу объектлар 1976 йил ҳисобига қолдирилди. Бу йил эса умуман, боғча-ясли қуриш планга киритилмади.

Агар шундай усулда боғча-ясли қурар эканмиз,— дейди Қорақалпоғистон АССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг капитал қурилиш бўлими бошлиғи Карим Рамонов, — колхоз ва совхозларда боғча-ясли қуриш ишлари муаммолигича қолаверади.

Кегайли районидаги Энгельс номли совхоздаги 90 ўринли боғча-ясли икки йилдан бери қурилмоқда. Бу қурилишга 1-кўчма механизациялашган колонна бошлиғи В. Ричков эътиборсизлик билан қараб келмоқда. Шуманай районидаги А. Мусаев номли совхозда 140 ўринли боғча-ясли қурилишида шу йилнинг биринчи кварталида 20 минг сўмлик иш бажарилди, холос.

А. Кван бошлиқ 5-кўчма механизациялашган колонна коллективи эса Хўжайли районидаги «Амударё» совхозида 140 ўринли боғча-ясли қурилишини суст олиб бормоқда. 12-қурилиш трестининг жойлардаги кўчма механизациялашган колоннолари коллективи объектларнинг деворларини тиклаб кетаверадилар. Суваш, ойна, ром, эшик қуриш каби ишлар қолиб кетаверади. Трест бўйича атиги битта пардозлаш ишларини олиб борадиган махсус кўчма механизациялашган колонна ишлаб турибди. Бу колонна пардозлаш ишларига улгуролмаяпти. Битган объектлар қолиб кетяпти.

Тўртқўл районидаги «Москва», Беруний районидаги Киров номли колхозларда боғча-ясли қурилишига ажратилган маблағдан ўтган тўрт ойда бир сўм ҳам ўзлаштирилгани йўқ. «Партия XXI съезди» колхозида эса тўрт минг сўмлик қурилиш ишлари бажарилди. Автоном республика колхозлараро қурилиш тресті ва унинг бошлиғи Э. Татибоев бу қурилишларнинг аҳволи билан сира қизиқмайди.

Қорақўлчилик трестига саккизта ихтисослаштирилган қорақўлчилик совхозлари киради. Бу трест молиявий масалаларни мустақил ечолмайди. Оқибатда 7-совхозда ҳамон боғча-ясли қуриш масаласи ҳал бўлмай турибди. Чунки маблағ ажратиб берилмаяпти. «Ўзпадоовощчвинпром» бирлашмасига қарашли хўжаликларда ҳам боғча-ясли қуриш ишлари ўлда-жўлда. Хўжайли районидаги «Хўжайли», Мўйноқ районидаги «Орол» сабзавотчилик совхозларида боғча-ясли қачон қуриларкин?!

Бунинг устига «Узгипросельстрой» лойиҳалаш институти ва унинг Нукус шаҳридаги филиали лойиҳа сметаларини вақтида тайёрлаб бермаяптилар.

Мактабгача муассасалар учун кадрлар танлаш, тарбиялаш ва жой-жойига қўйишда жиддий нуқсонлар бор. Боғча-яслиларда ишлаётган 186 тарбиячи мутахассисликларга эга эмас, шаҳар ва район халқ маорифи бўлимлари бунга эътиборсизлик билан қараб келмоқдалар. Боғча-яслиларда агрономлар, зоотехниклар, молия ва савдо ходимлари ишлаб келяпти. Бундай аҳвол Чимбой, Мўйноқ, Тўртқўл, Кегайли районларида юз беряпти.

Боғча-ясли қурилиши шу куннинг муҳим талаби экан, Ўзбекистон ССР Маориф, Қишлоқ хўжалик министрликлари ва тегишли ташкилотлар бу ҳақда жиддий ўйлаб кўришлари керак.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.



Азамат ирригатор ва мелиораторларимиз Жиззах даштларида катта бунёдкорлик ишлари олиб боришяпти. Чўл бағрида янги-янги экин майдонлари ташкил этиб, асрий ташна ерларга оби-ҳаёт етакламоқдалар. Бунда уларга қудратли механизация ва техника кучлари ёрдам бермоқда. Суратларда: (чапдан) 1. Земснарядлар Жанубий Мирзачўл канали ўзанини кенгайтиряпти. 2. Чўлга сув олиб борувчи улкан қувурлар.

Автор фотолари.

ДАШТЛАР ЯШНАЙДИ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ЖИЗЗАХ ЧЎЛИ ҚУРИЛИШЛАРИДА

Жиззах чўли гавжум бўлиб қолди. Қаерга қарамайг, самосвалларнинг ғиз-ғиз ўтаётганини, пневмовозларнинг йиғма темир-бетонларни ташиётганини, қудратли бульдозерларнинг машина канали қурилишидаги шижоатини кўрасиз. Чўл оби-ҳаёт кутмоқда. У кунлар яқин. Ана ўшанда сувга қонган минг-минглаб гектар ерлар бир йилда 1 миллион 250 минг тонна «оқ олтин» беради.

Жиззах чўлига биринчи бўлиб сув хўжалиги қурилиши — «Гидрострой» ходимлари қўжум бошлашди. Улар зиммасига энг фахрли, энг масъул вазифа — чўлни ўзлаштирувчиларга сув келтириш юкланган. Гидростройчилар келтирадиган сув шунчалик кўп бўлиши керакки, у Мирзачўлнинг ҳам, Жиззах даштининг ҳам талабини қондирсин.

Гидростройчилар амалга ошираётган ишларнинг кўлами ниҳоятда кенг. Улар насос станциялари ва кучли водоводлар қурмоқдалар. Жанубий Мирзачўл канали тармоқларини кенгайтирмоқдалар. Сел ўтказадиган қувурлар ётқизмоқдалар. Бир сўз билан айтганда, «Гидрострой» трести коллективи шу йилнинг ўзида 20 миллион сўмлик иш бажариши керак. Бу — тошкентлик метросозларнинг бир йиллик иш ҳажмига тенг, демакдир.

Коллектив шу кунларда икки йўналишда иш олиб бормоқда. Биринчиси, мавжуд Жанубий Мирзачўл канали тармоғини кенгайтириш, иккинчиси, Жиззах даштига сув берадиган 1-насос станциясини қуришдир. Насос станцияси олдидаги ёрдамчи канал қурилиши ҳам муҳим объект ҳисобланади. Бу ердаги иш 69-нуқтадан бошланган эди. Канал насос станциясига анча яқинлашиб қолди. Канал участкасининг ўзида юз минг куб метрлаб тупроқ ишлари бажарилди. Салкам 14 километр узунликдаги каналда ҳадемай Сирдарё суви оқа бошлайди.

Биринчи насос станциясидаги ишлар тобора жадаллашмоқда. Станция қурилишига ўтган йил июль ойида старт берилганди. Махсус плиталарни тиклаш тўла-тўкис тугалланди. Монтажчилар ва бетончилар иккинчи ва учинчи ярусларга кўтарилишди. Кузда насосларни ўрнатишга киришилади. Гидростройчилар 96 минг куб метр ғоятда мустаҳкам ва пишиқ бетон қуйиш, станция қурилишида 30 миллион сўмни ўзлаштириш мажбуриятини олишган.

Насос станцияси — ноёб қурилиш. Бу ерда ўнта насос ўрнатилади. Уларнинг ҳар бири секундига 24-29 куб метр сувни 23 метр баландликка кўтариб бера олади. Сирдарё сувини Жиззах даштига чиқарадиган қувурларнинг диаметри — уч метр. Станция қуввати 110 минг киловаттга тенг бўлиб, Фарҳод ГЭСникидан сал камроқдир. Гидростройчилар насос станцияси қурилишини графикдан олдин ўринлатмоқдалар.

1-насос станцияси Сирдарёнинг Жиззах даштига оқиб келаверишидаги биринчи иншоотдир. Бинокорлар иккинчи насос станцияси заминини тайёрлаш учун котлован қазишга шу йилнинг ўзида киришадилар. Ҳадемай, тайёргарлик ишлари бошлаб юборилади. Гидростройчилар биринчи насос станцияси заминини яратишга сизот сувлар даражасини камайтириш учун чуқур вертикал дренаж зарурлигига қаттиқ ишонч ҳосил қилдилар. Олдинига еттита қудуқ қазимоқчи бўлдилар. Натижаси кўнгилдагидек чиқмади. Яна олтита қудуқ қазишга тўғри келди. Ана шундан кейингина мақсадга эришилди. Биринчи насос станциясиникида бўлганидек, иккинчи станция тупроғининг структураси ғоятда мураккаб. Кулранг тупроқ дейсизми, қум дейсизми, қаттиқ жинслар дейсизми, ҳаммаси бор.

Монтажчи, механизатор, ишчидан тортиб қурилиш раҳбарларигача — бутун коллективнинг кайфияти жанговар. Кунлик норманн 150-160 процентга етказиб адо этиш ҳар бир меҳнатчи учун қонунга айланиб қолган. Гидростройчилар Жанубий Мирзачўл каналининг барча тармоқлари бўйлаб ишни авж олдириб юбордилар. Каналнинг Сирдарёдан бошланиб насос станцияларгача бўлган қисми деярли икки баравар кенгайтирилади. Натижада каналнинг бир секундда сув ўтказиш қобилияти 300 куб метрдан 560 куб метргача ошади.

Иш алоҳида график асосида ташкил қилинган. Ўнлаб бульдозерлар, скреперлар канал қирғоқларини кенгайтириш билан банд. Бешта земснаряд канални чуқурлаштирмоқда. Яқинда Тахиатошдан яна битта кучли земснаряд келтирилди. Ундан сал нарида иккинчисини ишга туширишга тайёрлашяпти. Ҳадемай, канални кенгайтириш анча жадаллашади.

— Биз ҳозиргидан кўпроқ иш бажаришимиз мумкин эди, — дейди трест бошқарувчиси Г. С. Цуриков. — Лойиҳачилар йўл қўйган камчиликлар кўпинча қимматга тушяпти.

Геннадий Сергеевич Цуриковнинг гапида жон бор. Гидростройчилар деярли ҳар бир километрда кўчирилиши лозим бўлган ер ости ва ер юзаси коммуникацияси воситаларига дуч келишяпти. Электр узатиш линиялари, турли кабель, кўприк, газопровод каби бундай тўсиқлар Фарҳод тўғонидан насос станциясигача 130 тадан ортиқ. Булар йириклари. Майда-чуйдаларини айтмай қўя қолайлик. Қурилиш майдонининг ўзида лойиҳачилар группаси ташкил қилинса, у ўзини, албатта оқларди. Қурувчиларнинг ишлаб чиқариш характерига эга бўлмаган юмушларни ado этишга кучлари бўлинмасди.

Ҳаёт чўлни ўзлаштирувчилар олдига янгидан-янги муаммоларни кўндаланг қилмоқда. Мана, шулардан бири: насос станциясига кетаётганимизда асфальт йўл билан параллель равишда темир-бетон кўприкларнинг шохобчалари қурилаётганлигини кўрдик. Ўнлаб механизмлар шу иш билан банд. Хўш, нима учун? Ахир, йўлсозлар пишиқ-пухта, ишончли йўл қуриб қўйишганку! Маълум бўлишича, махсус темир йўл транспортида Янгиерга трансформатор келаркан. Унинг оғирлиги 300 тонна. Биронта ҳам кўприк бундай оғирликни кўтаролмайди. Трансформаторни монтаж қилинадиган жойга нимада олиб келиш мумкин? Трайлердами? Уни қаеодан топиш керак? Қарийб 1000 километр нариданмі — Норакдан топишибди. Мана энди трансформаторни темир йўл станциясидан олиб, келиш трансформаторнинг ўзидан қимматга тушяпти.

Энди бир тасаввур қилиб кўрайлик, агар мирзачўлликлар ўз кучлари билан Обручевода катта диаметрли — 3, ҳатто 4 метрдан зиёд қувурларни тайёрлайдиган базани ташкил қилмай, қувур секцияларини узоқдан келтирганларида ҳоллари не кечарди?!

Мирзачўлликлар қувурларнинг туташтирилган қисмларини махсус транспортда монтаж қилинадиган жойга етказишади. Пайвандлаш сифатини назорат қилиш учун рентгендиагностика ва бошқа замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган махсус лаборатория ташкил қилинган. Шу ернинг ўзида Обручеводан келтирилган қувур секцияларининг пайвандланган чоклари сифати текширилади. Лабораторияда тажрибали инженерлар меҳнат қилишяпти.

Гидростройчилар олдида яна бир катта проблема турибди. Ҳадемай насос станциясининг жиҳозлари етиб келади. Насосларнинг ўзи ўнта. Ҳар бирига биттадан двигатель. Бу агрегатларнинг ҳар бири 122 тоннадан. Уларни туширш ва ортиш учун махсус механизация ва транспорт воситалари керак. Агрегатлар ўз ўрнига қўйилгунча кўп нарса керак бўлади.

Навқирон «Гидрострой» трест коллективи қийинчиликларга қарамай, олга интилмоқда. Биринчи квартал топшириқлари муддатидан илгари шараф билан бажарилди. Иккинчи кварталда биринчи кварталдагидан бир миллион сўмлик кўп иш адо этиляпти.

Коллективда меҳнатсевар, ўз касбини пухта эгаллаган оловқалб кишилар ишлашяпти. Мирзачўлни ўзлаштиришнинг ветеранлари Николай Иванович Усов ва Анатолий Исакович Кернос бошчилик қилаётган 4-механизациялашган кўчма колонна мусобақада ҳамиша пешқадам. Бу коллектив Сирдарё сувини Жиззах даштига узатувчи тўртта насос станциясидан биринчисини қуриш шарафига муяссар бўлди. Тиниб-тинчимаслар сафига прораб Борис Соколовни қўшиш мумкин. Жанубий Мирзачўл канали шохобчаларини кенгайтиришда Николай Романович Долганов бошчилик қилаётган 447-земснаряд экипажи ажойиб меҳнат намунасини кўрсатмоқда. Экипажда 23 мутахассис бўлиб, улар сузувчи ер қазиш машинасида бир соатда 350-370 куб метр тупроқ ишларини бажаришмоқда.

Бу мақолада чўлни ўзлаштиришда авангардлик қилаётган гидростройчиларнинг кўп қиррали фаолиятлари ва шу билан бирга, қийин, аммо шарафли ишлари ҳақида батафсил ҳикоя қила олмадик. Лекин бир нарсага аминмиз — гидростройчилар:

— Йиллик топшириқни муддатидан бир ой олдин бажарамиз ва келаси йил май ойида Сирдарё сувини Жиззах даштига оқизамиз! — дея партияга, халққа берган ваъдаларининг устидан, албатта чиқадилар.

Ю. КОМАРЬ.

ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТИ. Ўнинчи беш йилликнинг дастлабки йилида 125 гектар майдонда деҳқончилик қилиб, гектаридан 42 центнердан «оқ олтин» оламиз! Китоб районидаги Куйбишев номли колхознинг Убайдулла Фармонов етакчилик қилаётган бригада пахтакорларининг ахди шундай. Заршунослар ваъдага вафо қилиш учун ғўза парваришини юксак агротехника қоидалари асосида давом эттиряптилар. Суратда: бригада далаларида ғўзага ишлов бериш акс эттирилган.

Э. Суяров фотоси.

ТУТАШ ҚАЛБЛАР

ОЧЕРК

Хўш, Лейдани мусобақага чақирса қандай бўларкин? Муҳтараманинг таклифини қабул қиларми-кан? Ахир, масофа узоқ бўлса ҳам кўнгил яқин-ку. Бажараётган иши ҳам, кўзлаган мақсадлари ҳам бир хил...

Ана шу ўйлар кечаси билан Муҳтараманинг миясига чақмоқдай урилиб, тинчлик бермади. Тонг отди. У баҳор ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олди, ширин орзулар қанотида сўқмоқ йўлдан фермага келди. Муҳтарама сигирларнинг кўздан кечири, соғиш олдидан ем берди. Кейин аппаратларни елинларга ўрнатди. Бир пастда 90 та сигирни соғиб бўлди. Аппаратни йиғиштириб, шоғирдларининг ишлари билан қизиқди.

— Қалай, қийналмаяпсизми, Муҳаббатхон?

— Унчалик эмас. Мана, аппаратни ишлатишни ҳам ўрганиб олдим, — Муҳаббат Латипова шундай деб савол назарини билан Муҳтарамага юзланди: — Газетадан кечаги янгиликни ўқидингизми?

— Эстониялик сигир соғувчи Лейда Пейпснинг партиямиз XXV съездини қандай кутиб олиш тўғрисидаги ватанпарварлик чақириғиними? Ҳа, ўқидим. Сигир соғишда бутун мамлакатга рекорд қўйибди азамат.

— Лейда боқимидаги юз бош соғин сигирнинг ҳар биридан беш минг килограммдан ошириб сут соғиб олибди. Мамлакатимиз коммунистларининг анжуманини ҳар соғин сигирдан 5300 литрдан сут соғиб олиш билан кутиб олар экан. Биз-чи? Менимча, Пейпс билан беллашсак, нима дейсиз, Муҳтарамахон?

—Ҳар қалай, бу умумий ишимизга катта фойда келтиради. Уни колхозимизга таклиф қиламиз ,ўзимиз ҳам борамиз. Ўларнинг тажрибаларини ўрганамиз, ўзимиз ҳам ўргатамиз.

Муҳтарама Ғаффорованинг таклифи ҳаммага маъқул тушди...

Шундай қилиб, Муҳтарама бошлиқ комсомол-ёшлар тезда Лейда Пейпсга очиқ хат ёзишди. Бухоро область, Ғиждувон районидаги «Коммунизм» колхозининг машҳур сигир соғувчиси, СССР Олий Советининг депутати Муҳтарама Ғаффорованинг Эстония ССР-даги «Вильянди» совхозининг донгдор сигир соғувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Лейда Аугустовна Пейпсни қардошлик мусобақасига чорловчи мактуби матбуотда эълон қилинди. Мактуб охирида шундай сатрлар бор эди.

«Азиз дугона! Сиз билан биз бир-биримиздан фарқ қиладиган шароитда ишлаймиз. Колхозларимиз орасидаги масофа жуда узоқ. Бироқ, иккимиз ҳам бир хил ишни бажарамиз. Мақсадимиз ҳам бир: Шунинг учун сизга мурожаат қиламан: келинг, мусобақалашайлик! Бу мусобака ўзбек ва эстон халқлари орасидаги мустаҳкам дўстлик ва ҳамкорлигимизнинг тимсоли — қардошлик мусобақасига айлансин. Унинг қудратли тўлқини мавжланаверсин. Бу мусобака умумий ишимизга катта фойда келтиради. Ҳурмат билан комсомол-ёшлар коллективи номидан Муҳтарама Ғаффорова».

Муҳтарама яна ўйга чўмди. Борди-ю, мусобакада ютқазиб қўйсам, унда нима бўлади? У ўзига-ўзи савол бериб, яна мулоҳаза килди. Айтилган сўз — отилган ўқ. Майдонга киргандан кейин аҳдга вафо қилиш керак! Унинг ташаббусини бутун область эшитди. Хўш, «Ким ўзар»да совринни олиш учун Муҳтарамада билим, тажриба етарлими? Фермада чорвачиликни механизациялаш масаласи қандай?

Чорвачиликда меҳнатнинг кечаги усулини қўллаш керакми? Йўқ, уни ўзгартириш керак, такомиллаштириш керак!

Унинг орзуси рўёбга чиқди. Икки юзта соғин сигирга мўлжалланган соғиш аппарати сотиб олинди. Илгарилари онаси Мусаллама хола аппарат билан 12-15 та сигирни соққан бўлса, бугунги кунда қизи Муҳтарама 45-50 сигирни соғадиган бўлди. Чунки, у билимни тажриба билан омухта қилганди, уни такомиллаштиргандида. Фермада Муҳтарама биринчи бўлиб сигир соғишда «Молокопровод» усулини қўллади, дугоналарига ўргатди ҳам. Бу усул билан сигир соғиш қўл меҳнатини сўриб чиқармай қолмади. Самаводорлик-чи, икки баравар ошди. Кутилмаганда Муҳтарамани колхоз правлениесига чакириб қолишди. У кабинетга кириб келганида раис Мухтор Аҳмедов, ферма мудири Ҳамид Норпўлатов ва бошқалар унга юзланишди.

— Табриклайман, қизим, — кутилмаганда раис қўлини Муҳтарамага чўзди. — Чақириғингизга Лейда Пейпс қўшилибди. Мана, жавоб хати, — Мухтор ака мактубни Муҳтарамага узатди. Хонада ўтирганлар Муҳтарамани қутлашди.

Муҳтарама Ғаффорова билан эстон қизи Лейда Пейпс ўртасида бошланган қардошлик мусобақасини Ғиждувон район партия комитети ва Бухоро область партия комитети маъқуллаб, махсус қарор қабул қилди. Бундан Муҳтарама шод бўлмасинми, ахир! У Пейпснинг жавоб мактубини қайта-қайта ўқир эди.

«...Узоқдаги дўстларимизнинг эътибори мени беҳад қувонтирмоқда. Юз бош сигирни парвариш қилиш ва ҳар бир сигирдан 5300 килограммдан сут соғиб олиш осон иш эмас. Бу тўғрида сиз мени яхши тушунасиз... Мен қўлга киритган муваффақиятларнинг сири сизни ҳам қизиқтирса керак. Ўйлайманки, у иккимизда ҳам бир хил: топширилган ишга виждонан, катта масъулият ҳисси билан муносабатда бўлишдан иборатдир. Бу талаблар биз сут соғувчиларга ҳам, фермани озуқа билан таъминловчи молбоқарларга ҳам, ишлаб чиқаришда меҳнатни ташкил қилиб, бизнинг меҳнат ва турмуш шароитимиз тўғрисида ғамхўрлик қилаётган хўжалик раҳбарларига ҳам тўла тааллуқлидир. Ҳурматли Муҳтарама! Мен сизнинг ўзаро мусобақалашиш тўғрисидаги чақирғингизни бажонидил қабул қиламан ва сизни совхозимизга келишга таклиф этаман».

Кунларнинг бирида раис келиб қолди. У сут-товар фермасида ишни ташкил қилиш қачдай бораётгани билан қизиқди.

— Қандай талаб ва эҳтиёжларингиз бор?

— Биласизми, бизни бир нарса қийнайди. Соғин сигирлар ҳар хил, баъзилари иссиққа ўнчалик чидамайди. Шунинг учун ҳам ез паитлари сути камайиб кетади. Уларнинг маҳсулдорлигини ошириш учун шароитга мослаштириш, зотини яхшилаш даркор.

— Гапларингизда жон бор, қизим. Ҳар йили 400-410 тадан олинган зотли бузоқларни бошқа хўжаликларга насл учун сотар эдик. Эндиликда ёш новвосларнинг энг яхшиларини саралаб олиб қолишимиз лозим. Шунда соғин сигирларнинг зоти яхшиланади, маҳсулдорлиги янада ортади.

Муҳтарама раис билан янги чорвачилик комплексига ўтишди.

— Мана энди нушхўрт бўлмаяпти, — Муҳтарама раиснинг хаёлини бўлди, чорвачиликни механизациялаш соҳасидаги янгиликлардан хурсанд бўлиб. — Дағал хашакни гранулация қилиш цехи боплаб майдалаб беряпти. Хлорелла цехини айтмайсизми. Бир суткада 10 тонна суспензия ишлаб чиқармоқда.

— Янги комплекс ишга туширилса 200 та соғин сигир яйрайди, қизим. Мана, ҳадемай, бу комплекс ҳам фойдаланишга топширилади.

1975 йилнинг май ойлари эди. Муҳтарама Москвага, СССР Олий Советининг сессиясига борди. Сессия тугагач, Муҳтарама Ғаффорова Эстонияга, ўз мусобақадоши — «Вильянди» совхозининг сигир соғувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Лейда Аугустовна Пейпс ҳузурига ташриф этди. Бутун совхоз аҳли Муҳтарамани самимий қарши олишди. Бу учрашув ўзбек ва эстон халқлари биродарлигининг катта тантанасига айланиб кетди.

Колхозга қайтгач, Муҳтарама Эстония чорвадорларининг илғор тажриба ва методлари ҳақида сўзлади, чорвачиликни ривожлантиришда қардошларнинг афзаллик томонларини ўз хўжалигига солиштирди.

Эстонияда минглаб гектар пичанзор майдонлар бор. Уни бузиб ўрнига бошқа экин экишмайди ҳам. Улар молларни эрталабдан кечгача дайдаб боқишади. Сигирлари серсут, жунини тортсанг, ёғи чиқади. Демак, ўтлоқлари ҳам гўшт, ҳам сут булоғи! Бу ерда ҳам ўша шароит борми? Моллар қаерда яйраб ўтласин. Эстонлар соғиш олдидан молларга ем беришмайди. Муҳтарамалар-чи? Улар ем беришмаса молларни соғиб олишолмаиди, албатта. Хўш соғиш аппаратларида ҳам фарқ бордир? Бор! Уларники енгил, қулай, иш унуми юқори. Муҳтарамаларникси эса маҳаллий шароитга мослаштирилмаган.

Сигирнинг сути тилида. Бу, мол учун мўл-кўл озуқа керак деганн. Болтик бўйи қишинёзин ўт-ўланга сероб. Уларда сув етарли. Бу хўжаликда ҳам шундайми? Ҳа, икки хил шароит, икки хил меҳнат. Лекин қийинчиликлар олдида тиз чўкиш керакми? Йўқ! Уларни мардонавор енгиш керак. Резервларни ишга солиб, қардошларнинг илғор тажрибалари ва методларини хўжаликда қўллаш шарт.

1976 йил унинг ҳаёт саҳифасида алоҳида из қолдирадиган бўлди. У партия XXV съездига делегат бўлиб борди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневнинг партия XXV съездига қилган Ҳисобот докладида келтирилган ҳаётбахш рақамлар, янги вазифалар Муҳтараманинг қалбини ҳаяжонга тўлдирди. У ўнинчи беш йилликда ҳар бош соғин сигирдан 5000 литрдан сут соғиб олишга аҳд қилган. Бу маррани эгаллашда эстон қизи билан бошланган социалистик мусобака қанот бўлаётир. Муҳтарама буни ўйлаганда кўнгли қуёшдек ёришиб, тўлқинланади. Бу тўлқин юрак мавжлари, қардошлик мусобақасининг ҳаётбахш тўлқинлари...

Ашурали АҲМЕДОВ.

ГАЗЕТАДА БОСИЛГАНДАН КЕЙИН

«СИФАТ УНУТИЛДИ»

Юқоридаги сарлавҳа билан босилган (газетамизнинг шу йил 29 июнь сони) танқидий мақолада Қўқон пайпоқ тўқув комбинатида технологик жараёнлар қўпол тарзда бузилаётгани, ишлаб чиқариш сифатти устидан назорат ўрнатилмагани ва Қўқон шойи тўқиш ҳамда йигирув-тўқув фабрикаларида йўл қўйилган камчиликлар очиб ташланган эди. Шу мазмундаги мақолага УЗБЕКИСТОН ССР ЕНГИЛ САНОАТ МИНИСТРЛИГидан қуйидагича жавоб олинди:

Мақола Қўқон пайпоқ тўқув комбинатининг кенгайтирилган техника кенгашида муҳокама қилинди. Ҳозирнинг ўзидаёқ йўл қўйилган кўпгина камчиликларга барҳам берила бошланди. Ишлаб чиқилган қатор тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида комбинатда маълум ижобий силжишларга эришилди. Жумладан, маҳсулот ишлаб чиқариш ярим йиллик плани ортиғи билан адо этилди. Маҳсулотнинг сифат кўрсаткичи ҳам ўтган йилдагидан бирмунча яхшиланди. Брак маҳсулотлар учун жарима тўлаш кескин камайиб бормоқда. Буюртмачи ва харидорларнинг талаб-истаклари, фикр-мулоҳазалари изчил ўрганиляпти ва бу борада конкрет чора-тадбирлар ишлаб чиқиляпти.

Қўқон йигирув-тўқув фабрикасида газетада қайд қилинган намчиликларни бартараф этиш йўллари ишлаб топилмоқда. Қўқон шойи тўқиш фабрикасида ҳам газета танқиди юзасидан тегишли хулосалар чиқариляпти. Ҳозирда фабрикада юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш учун конкурс эълон қилинган. Ҳар ҳафтада «Сифат куни» ўтказилмоқда. Айрим станоклардаги техник нуқсонлар тугатилди. Фабрика маъмурияти ва партия ташкилоти йўл қўйилган камчиликларни келгусида такрорламаслик учун тегишли қарор қабул қилди.

УЛКАН ХИРМОННИ КЎЗЛАБ

ҒИЖДУВОН. «Зарафшон» колхози деҳқонлари 1789 гектар майдондаги ғўзани илғор агротехника талаблари асосида парвариш қилишяпти. Хўжаликнинг И. Қурбонов, З. Гадоева, З. Насруллаева, Х. Саидов бошлиқ бригадаларида гектаридан 50 центнердан пахта хирмони кўтаришга тўла асос яратиляпти. Яхши парвариш қилинган ниҳоллар бир текисда кўсаклай бошлади. Ҳозир ҳар туп ниҳолда учтўрттадан кўсак бор.

Ғ. АБДУЛЛАЕВ.

ПАХТАЧИ. «Самарқанд» колхозининг Норхол Курбонова бошлиқ бригадаси аъзолари бу йил гектаридан 65 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтариш ишқида меҳнат қилишяпти. Бригадада экинларни культивация қилиш, озиқлантириш ва суғориш ишлари шу кун талаблари асосида ташкил этилган. Ғўзалар ёппасига кўсак тугмоқда. Хўжаликнинг бошқа бригадаларида ҳам ғўза парвариши авжида.

Т. СОЛИЕВ.

ЧЕКАНКА ҚИЗҒИН

Қува районидаги Энгельс номли колхозда ғўза парвариши қизғин давом эттирилмоқда. Бригадалар ўртасида бошланган социалистик мусобақада Нуъмонжон Тошканбоев бошчилик қилаётган 15-бригада пахтакорлари пешқадамлик қилмоқдалар. Уларнинг мақсади гектаридан камида 50 центнердан дур кўтаришдир. Яхши ўғитланиб, сифатли ишлов берилаётган 80 гектар майдондаги ғўзалар баравж. Ҳар туп ниҳолда шона, гул ва кўсаклар беҳисоб. Бригада хўжаликда биринчи бўлиб чеканкани бошлаб юборди.

Колхознинг бошқа бригадаларида ҳам чеканка қилиш бошлаб юборилди.

Б. ҚАЮМОВ.

1 МИЛЛИОН ТОННА МАККАЖЎХОРИ ДОНИ УЧУН

КОМБАЙНЛАР—ТАЯНЧИМИЗ

Ўтган йили 150 гектар майдонда маккажўхори ўстириб, гектаридан 90 центнердан сара дон олган эдик. Бу йил экин майдонини яна 60 гектар кенгайтирдик, ҳосилдорликни гектар бошига 10 центнер кўтариб, 100 центнердан маккажўхори дони олишга аҳд қилдик.

Маккажўхори парваришни севадиган экин, меҳнатидан қочилмаса истаганча ҳосил олиш мумкин. Кейинги йилларда механизация маккажўхорикорликка дадил кириб бормоқда. Эндиликда уруғни ерга қадашдан тортиб, ҳосилни йиғиштириб олишгача бўлган ишларнинг ҳаммаси хилма-хил машиналар воситасида бажарилмоқда. Муҳими — маккажўхорини ўриш, сўтасини қайириб олиш комбайнлар ёрдамида амалга оширилмоқда. Бу ўрим-йиғимни тезлатмоқда, дон ва поя исрофгарчилигига барҳам бермоқда, маҳсулот таннархини арзонлаштирмоқда.

Бригадамиз аъзолари маккажўхоридан юқори ҳосил етиштириш билан ҳам донни, ҳам чорва моллар озуқасини кўпайтирмоқдалар. Биз ишлаб чиқариш плани бўйича гектаридан 50 центнердан дон етиштиришимиз керак. Экинлар парваришини кучайтириб, юқори ҳосилга замин яратдик ва гектаридан 100 центнердан дон хирмони кўтариб, бир йилда икки йиллик планни бажаришга қарор қилдик. Далаларимизда етиштирилган ҳосил юксак мажбуриятимизни ошириб бажариш мумкинлигидан далолат бермоқда.

Ўнинчи беш йилликнинг биринчи босқичи — 1976 йил бу қимматбаҳо экиндан чинакам юқори ҳосил етиштириш йили бўлади. Сабаби, баҳорда табиий офатлар юз беришига қарамай гектарларнинг тўла, кўчатлар сонининг бут бўлишига эришдик. Ҳар гектар майдонда ўтган йилдагидан 10-12 минг туп кўп ниҳол ўстирмоқдамиз. Ўрим-йиғимни ташкилий жиҳатдан уюшқоқлик билан ўтказиб, 800 тонна юқори сифатли маккажўхори дони тайёрлаймиз. Хўжалигимизни сараланган уруғлик билан таъминлаймиз, қўшни колхозларга районлаштирилган, юқори ҳосил берадиган, давлат стандартига тўла мос уруғлик сотамиз, чорва моллари тўйимли концентрат билан таъминлаймиз.

Бригадамиз аъзолари дон билан бир қаторда кўплаб поя олиш учун қурашмоқдалар. Ҳар гектар ердан камида 500 центнердан поя олиш ниятимиз бор. Шу йўл билан колхозимиз бўйича кўзда тутилган 3.700 тонна ўрнига 8000 тонна силос бостирамиз ва майдаланган маккажўхори поясига эга бўламиз.

Маккажўхори экини шу кунга қадар уч марта чуқур культивация қилиниб, уч марта қондириб суғорилди. Ўсимликнинг «шарбат»га қондирилиши сўталарнинг салмоқдор бўлишини таъминламоқда. Яна бир марта комплекс парвариш ўтказиш билан ҳосил ўрим-йиғимига киришамиз. Ҳар туп ўсимликда уч-тўртта бўлиқ сўта ҳосил бўлди. сўталарнинг донн кутилгандан эзиддир. Ўрим ва дон янчишни ўтган йилдагидан ўн кун олдин тамомлашга карор қилдик.

Далаларимизда иккита «Херсонец» комбайни икки сменада ишлатилади. Лекин вазият яна иккита «Херсонец» комбайни харид қилишни талаб этмоқда. Колхоз правлениеси далаларимизда тўртта «Херсонец» комбайни ишлашини таъминлаш учун ҳамма чораларни кўрмоқда. Нормўмин Шаймонов, Усмон Қиличев, Хўжақул Бозоров сингари механизаторларимиз маккажўхори ўсимлигини меҳр билан парвариш қилмоқдалар, энди улар комбайнларни ҳам моҳирлик билан бошқарадилар. Ҳар бир комбайн билан бир сменада ўртача 6 гектар ернинг маккажўхорисини ўриб, донини янчиб олишни планлаштиримиз. Комбайнларимиз сифатли ремонтдан чиқарилди, комбайнчиларимиз бой тажрибага эгадир.

Колхоз правлениеси мўл ҳосилни сира нобуд қилмасдан ўриб-йиғиб ва омборларга ташиб олиш чораларини кўрмоқда. Дон сақланадиган омборлар ремонт қилиб қўйилди, етарли миқдорда транспорт воситалари ажратилди. силосхоналар ҳам тахт холга келтирилди. Мавсумда иккита силос тайёрлаш машинаси ишлайди.

Бригадамиз аъзолари ҳар гектар ердан 100 центнердан маккажўхори дони хирмони кўтариб республикамиз бўйича бир миллион тонна маккажўхори дони тайёрлашга муносиб ҳисса қўшади.

Ҳасан АБДИЕВ,
Самарқанд область, Пахтачи районидаги «Коммунизм» колхози маккажўхорикорлик бригадаси бошлиғи.

ПЛАНЕТАМИЗДА

ДЎСТЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК МАНФААТЛАРИНИ КЎЗЛАБ

НЬЮ-ЙОРК, 29 июль. (ТАСС). Бу ерда, бир томондан совет дўстлик жамиятлари союзи ва «СССР — АҚШ» жамияти, иккинчи томондан, Америка — Совет дўстлиги миллий кенгаши ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди. Битимда 1976—1977 йилларда ана шу ташкилотлар ўртасида маданий ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг кенг программаси кўзда тутилган.

Ҳамкорлик программасида бир-бирларига қўллаб делегацияларни, маданият вакилларини, ёшлар ва студентлар группаларини, туристларни юбориб туриш, Совет Иттифоқида ва Қўшма Штатларда бадиий, фото ва бошқа тематик кўргазмалар ташкил этиш, фильмларни намойиш қилиш ва шу кабилар кўзда тутилади.

Битимда СССР ва АҚШ ўртасида ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантириш учун, тинчлик ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш учун Совет — Америка маданий алоқалари ва бошқа алоқаларнинг роли ҳамда аҳамияти алоҳида таъкидланади.

Ҳамкорлик программасида кўзда тутилган турли учрашувлар орасида «Кескинликни юмшатиш жараёни ва унинг СССР ҳамда АҚШ халқлари, шунингдек бошқа мамлакатлар халқлари учун аҳамияти» мавзуидаги симпозиум ҳам бор.

«СССР — АҚШ» жамиятининг президенти Н. Н. Блохин ва Америка — Совет дўстлиги миллий кенгаши правлениесининг раиси У. Мелиш битимни имзолаш маросимида нутқ сўзлаб, Совет ва Америка томонлари ўртасидаги ҳамкорликнинг ривожланишидан мамнун эканликларини изҳор этиб, белгиланган программа Совет Иттифоқи билан Америка Қўшма Штатлари халқлари ўртасида ҳамжиҳатлик ва дўстликни янада мустаҳкамлаш ишига хизмат қилади, деб ишонч билдирдилар.

ХИТОЙДА ЗИЛЗИЛА

ПЕКИН, 29 июль. (ТАСС). Кеча Таншанв-Фэннань районида (Хэбэй вилояти) 7,5 балл куч билан бўлиб ўтган зилзиладан кейин шарқи-шимолий Хитойда янада кучлироқ бир қанча силкинишлар сезилди.

Аниқланган маълумотларга қараганда, яна ер ости силкинишлари ҳамда кеча бўлиб ўтган зилзила натижасида кўп кишилар қурбон бўлган ва анчагина моддий зарар етказилган. Зилзиланинг маркази ҳисобланган ва бир миллион аҳолиси бўлган Таншань шаҳри аниқса қаттиқ шикастланган. Хитой манбаларидан олинган маълумотларга қараганда, зилзила йирик Тяньцзинь шаҳрида ҳам юз берган. Бир қанча районларда темирйўл ҳаракати тўхтаган ва алоқа узилган.

Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ Э. ГЕРЕК БИЛАН УЧРАШУВИ ТЎҒРИСИДА ПОЛЬША МАТБУОТИНИНГ ЁЗГАНЛАРИ

ВАРШАВА, 29 июль. (ТАСС). КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг ПБИП Марказий Комитетининг Биринчи секретари Э. Герек билан Қримда бўлиб ўтган дўстона учрашувга Польша матбуоти катта эътибор бермоқда. Мамлакатда чиқадиган барча марказий газеталар ана шу учрашув ҳақидаги хабарларни биринчи саҳифаларда эълон қилишган.

«Трибуна люду» газетасининг таъкидлашича, ҳар икки қардош партия раҳбарлари Совет — Польша муносабатларининг ривожланишидан мамнун эканликларини изҳор этиб, ана шу муносабатларни снёсий, иқтисодий, илмий ва маданий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида кенгайтиришга ва кучайтиришга шай эканликларини билдирганлар.

Ҳамма газеталар Қримдаги учрашув дўстлик, самимият ва тўла ҳамжиҳатлик вазиятида ўтганлигини таъкидлайдилар.

ЖАНУБИЙ РОДЕЗИЯ. Мамлакат ҳокимияти Африка халқининг ирқчилик режимига қарши кучаяётган озодлик курашидан қўрқиб, хавфсизлик юзасидан қўшимча чоралар кўрмоқда. Суратда: энг муҳим автомагистраллардан бирида транспорт қатнови соқчилар ҳимоясида эканлиги акс эттирилган.

АПН—ТАСС телефотоси.

ХЕЛЬСИНКИ КЕНГАШИДАН КЕЙИНГИ БИР ЙИЛ

Европа тарихидаги жуда катта воқеа — Хельсинкида ўтказилган Умумевропа кенгашининг Якунловчи акти имзоланган кундан бери орадан деярли бир йил вақт ўтди.

Хельсинкида Якунловчи актни имзолашга олиб келган келишувга кўп жиҳатдан Совет Иттифоқи ленинча ташқи сиёсатининг таъсири остида, социалистик мамлакатларнинг бамаслаҳат сиёсати туфайли, КПССнинг, унинг Марказий Комитетининг, шахсан КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг Европа халқларининггина эмас, шу билан бирга бутун дунё халқларининг тинчлиги ва хавфсизлиги манфаатлари йўлида изчиллик билан кучғайрат сарфлаганликлари туфайли эришилганлиги яхши маълум.

Хельсинки кенгашидан кейин ўтган бир йил ичида давлатларнинг олий раҳбарлари, ташқи ишлар министрлари кўпдан-кўп икки томонлама учрашдилар, бошқа лавозимлардаги арбоблар ҳам ўзаро учрашувлар ўтказиб туришди. Музокаралар давомида Умумевропа кенгаши Якунловчи актининг қоидаларини тегишли давлатлар ўртасидаги муносабатларга татбиқан амалга оширишга қаратилган чора ва тадбирлар конкретлаштириб олинди. Давлатлар ўртасидаги снёсий алоқалар ва маслаҳатлашувлар практикаси кескин кенгайди, бу алоқа ва маслаҳатлашувлар бир-бирларининг позициялари ва фикрларини ўзаро яхшироқ тушунишга, бинобарин Европа халқларининг тинчлиги, хавфсизлиги ва равнақи йўлидаги ғайрат-ҳаракатлар учун тобора янги имкониятларни очишга ёрдам бермоқда.

Шу йил мобайнида Совет Иттифоқининг Франция, Англия, Италия билан, Ғарбдаги бошқа давлатлар билан муносабатларидаги янги қулай омиллар янада ойдинлашди. Кескинликни юмшатишнинг Хельсинки ахдномаларига таянувчи ҳаётбахш нафаси Польша билан ГФР ўртасидаги муносабатларни тартибга солишда олга силжишни енгиллаштирди, пировардигача ҳал бўлмай келаётган сўнгги территориал масала — Югославия билан Италиянинг Триест райониданги чегараси масаласини Европанинг снёсий харитасидан олиб ташлаш учун ёрдам берди.

Европа қитъасидаги давлатлараро муносабатлар практикасига Хельсинкида Европадаги тинчликнинг снёсий-ҳуқуқий негизи тариқасида қабул этилган энг муҳим ўн принцип тобора чуқур сингиб бормоқда. Умумевропа кенгашида қатнашган давлатлар стабиллик ва ишончни мустаҳкамлаш манфаатларини кўзлаб ўзлари ўтказадиган катта ҳарбий машқлар тўғрисида бир-бирларини барвақт хабардор қилиб қўядилар, шу машқларда қатнашишга чет эллик кузатувчиларни таклиф этадилар.

Давлатлар ўртасидаги иқтисодий, илмий-техникавий, маданий алоқалар янада ривожланмоқда, ахборот айирбошлашни кенгайтириш, одамлар ўртасидаги алоқаларни, туризмни кенгайтириш билан боғлиқ бўлган масалалар амалдаги равишда ҳал этилмоқда.

Совет Иттифоқининг атроф муҳитни муҳофаза қилиш, транспорт ва энергетика соҳаларидаги ҳамкорлик масалаларига бағишланган Умумевропа конгресслари ёки кенгашларини чақириш тўғрисидаги муҳим таклиф жиддий муҳокама қилина бошлади. Хельсинкида қабул этилган Якунловчи акт моҳиятидан келиб чиқувчи шу таклиф кескинликни юмшатишни моддийлаштиришга ёрдам беришини, Умумевропа миқёсидаги ҳамкорликка янги кучли далда беришини тобора кўпчилик тушуниб бормоқда.

1977 йилда Умумевропа кенгашида қатнашган давлатлар ташқи ишлар министрликлари вакилларининг амалий маслаҳат учрашуви ўтказилади. Кескинликни юмшатиш жараёнини келгусида ривожлантириш тўғрисида батафсил фикрлашиб олиш ёки учрашувнинг бош вазифаларидан бири бўлиши Якунловчи актда белгилаб қўйилган. Белградда бўладиган шу учрашувга тайёргарлик ишлари ҳозирнинг ўзидаёқ бошлаб юборилди. Бу учрашув кенгашда қатнашган давлатлар ўртасидаги ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашда, тинч ҳамкорликни ривожлантиришда, муносабатларни янада яхшилашда фойдали босқич бўлиб қолиши лозим.

Хельсинкидаги ахдномаларни рўёбга чиқаришда эришилган натижаларнинг кўлами катта, аммо бу — ишнинг бошланиши, холос. Бу жараён бир неча йил ёки эҳтимолки, бир неча ўн йил давом этиши равшан.

Якунловчи актда Европа халқларининг фарогати йўлида қилинадиган амалий ҳаракатларнинг узоқ муддатли программаси белгиланган. Бу ҳужжатда Европада тинчлик, хавфсизлик ва ҳамкорликнинг узоқ вақтни ўз ичига олувчи равшан истиқболи баён этилган. Айни шу боисдан ҳам, бу ҳужжатда қайд этилган ахдномаларни амалга ошириш йўлидаги дастлабки қарорларнинг ўзиёқ Европани парчалаб ташлашни ва уни уруш фалокати ёқасида сақлаб гуришни орзу қилаётган кимсаларнинг ашаддий қаршилигига дуч келди. Европадаги ва бошқа қитъалардаги энг қора реакция кучлари — Ғарбий Европадаги реваншчи доиралардан тортиб АҚШдаги ўта ўнг экстремист кучларгача, энг баттол инглиз консерваторларидан тортиб итальян неофашистларигача, Ғарбдаги энг уччига чиққан антикоммунистлардан тортиб, Пекиндаги бориб турган антисоветчиларгача бўлган кимсалар Якунловчи актга қарши ҳуруж бошладилар. Хельсинки қарорларидаги ҳамма нарса: кескинликни юмшатишни кучайтириш тўғрисидаги йўл-йўриқлар ҳам. социал гузуми қандайлигидан қатъий назар ҳамма давлатларнинг тенг ҳуқуқли ҳамкорлик қилиш программаси ҳам, давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик принципи ҳам, бошқа кўпгина қарорлар ҳам уларнинг дидига ёқмайди.

Умумевропа кенгашининг ахдномалари мураккаб снёсий кураш жараёнида рўёбга чиқарилаётганлигига ажабланмаса ҳам бўлади, албатта. Бу курош тинчлик, хавфсизлик ва ҳамкорлик масалалари хусусида бахслашаётган кучларнинг ниссбатини ифодалайди ва шубҳасиз давом этаверади. Европа халқлари шу курош давомида Европада тинчлик ва кескинликни юмшатиш иши муттасил олга силжий беришидан жуда манфаатдордирлар.

Кескинликни юмшатиш жараёни ўз-ўзидан бошланганн йўқ — давлатларнинг бирга-ликда сарфлаган куч-ғайратлари, давлат арбобларининг донолиги, ядро асрида кескинликни юмшатишдан бўлак чора йўқлигини тушуниш туфайли шу жараён бошланди. Кескинликни юмшатишни давом эттириш ва чуқурлаштириш учун янги куч-ғайрат, янги амалий ҳаракат қилиниши лозим:

Умумевропа кенгаши Европа учун бу қитъани тинчлик, давлатларнинг тинч-тотув яшаш ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш қитъасига айлантириш йўлини очиб берди. Бу йўлдан олга бориш учун снёсий ҳоҳиш-ирода, собитқадамлик, активлик кўрсатиш ва куч-ғайрат сарфлаш керак бўлади. Бу эса Европанинг тинч келажаги учун ўз зиммасидаги масъулиятни англовчи ҳамма давлат ва снёсий арбобларнинг, барча снёсий партиялар ва группаларнинг бурчидир. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев Европадаги ҳамма халқлар турмушининг табиий формаси бўлиб қолиши лозим бўлган мустаҳкам тинчлик ўрнатишни буюк мақсад деб атади. Хельсинкидаги кенгашнинг бир йиллигги кунларида бу мақсад—бемалол эришиш мумкин бўлган мақсаддир, деб комил ишонч билан айтиш мумкин.

А. ПЕТРОВ,
ТАССнинг снёсий обзорчиси.

Сўнгги баҳслар, медаллар

Монреаль олимпиадаси мусобақаларида сўнгги медаллар учун кураш давом этмоқда. Эртага қариб икки ҳафта давом этган қизғин баҳслар ниҳоясига етади. Туташ беш халқа нақши туширилган олимпиада байроғи туширилиб, машъала алангаси ҳам сўнади. Жаҳоннинг энг кучли спортчилари қўлга киритган ютуқларга якун ясалади. Эртага ер курраси-даги қайси мамлакат олимпиадачилари биринчиликни қўлга киритгани ойдинлашади. Ҳозирча эса, маҳаллий газеталар саҳифаларида совет спортчиларининг маҳорати ва шуҳрати тараннум этилмоқда. Жумладан: «Совет олимпиадачилари қўлга киритилган совринлар ҳисобида ягона пешқадам» деган сўзлар кўпгина газета саҳифаларида йирик ҳарфлар билан босилди. Бугун олимпиада мусобақаларининг ҳал қилувчи баҳслари ўтказилади. Чунончи, эркин кураш, бокс, байдарка ва каноэда сузиш, дзю-до, енгил атлетика ва футбол бўйича финал баҳслари бўлади. Совет терма командаси жамғармасидаги олтин медаллар эса 34 тага етди. Мамлакатимиз вакиллари команда ҳисобида ҳамон олдинда бормоқдалар.

ДЗЮ-ДО. Курашчиларимиз беллашувларни ўрнига қўйишяпти. Яна бир совет курашчиси, майкоплик жаҳон чемпиони Владимир Невзоров олимпиада чемпиони номига сазовор бўлди. Олег Зурабиани билан Шота Чочишвилилар эса, олтин медаль учун курашни давом эттирмоқдалар.

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА. Мусобақалар қизғин спорт кураши остида ўтмоқда. Юз метрга тўсиқлар оша югуришда вакилларимиздан Татьяна Анисимова маррада иккинчи бўлиб, кўксига кумуш медаль таққан бўлса, Наталья Лебедева бронза медали совриндори бўлди. Шунингдек, таниқли диск улоқтириш устаси Фаина Мельник эса, тўртинчи ўринни олди.

ВОЛЕЙБОЛ. Қизлар ва йигитлар командаси курашни давом эттириш ҳуқуқини қўлга киритдилар. Йигитларимиз Куба волейболчиларини, қизларимиз эса Венгрия спортчиларини 3:0 ҳисобида енгиб финалга чиқдилар.

ЧАВАНДОЗЛИК. От ўйнатиш баҳсларида ГФР, Швейцария, АҚШ чавандозлари совриндор ўринларни эгаллашди. Совет спортчилари эса, тўртинчи ўрин билан кифояланишди.

ФУТБОЛ. Ярим финал учрашувларида ГДР командасидан мағлубиятга учраган совет футболчилари бронза медали учун тўп сурдилар. Бразилия командаси билан бўлган бу учрашувда Совет футболчилари жавобсиз қўш тўп (Назаренко, Онищенко) киритиш билан олимпиаданинг бронза медали совриндори бўлишди.

БОКС. 11 совет боксчиси орасида фақат тошкентлик Руфат Рисқиев финал учрашувида иштирок этадиган бўлди. Руфат ярим финалда кубалик Мартинесдан устун келди.

Қиличбоз қизларимиз Е. Белова, О. Князева, В. Сидорова, Н. Гилязова ва В. Нинонова-лар олимпиаданинг олтин медалига сазовор бўлишганлигини маълум қилган эдик. Суратда: (юқорида) олимпиада чемпионларининг ғалаба қувончлари акс эттирилган. Олимпиада чемпиони номига сазовор бўлган қўл тўпи усталаридан Р. Шабанова ва Л Шубиналар ГДР спортчиси К. Ригер (ўртада) билан суҳбатда.

В. Будан ва Я. Халилов телефотолари.

АХБОРОТ
ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР

САЕҲАТСЕВАРЛАР ХИЗМАТИДА

Республикамиз пойтахтининг «Ўзбекистон» мехмонхонасида ташкил этилган «Маданият маркази»да ўлкамизга ташриф буюраётган чет эллик туристларга маданий хизмат кўрсатилмоқда. «Маданият маркази» айни шу кунларда гавжум. Ёз ойлари республикамиз пойтахтига ўлкамизнинг гўзал табиати, қадимий шаҳарларини томоша қилиш учун кўплаб туристлар меҳмон бўлиб келадилар. «Маданият маркази»да саёҳатчилар учун қизиқарли учрашувлар, мароқли ва мазмунли суҳбатлар, дўстлик ва савол-жавоб кечалари ўтказиб турилади. Бу кечаларда республикамизнинг таниқли кишилари, мутахассис ва олимлари, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларидан вакиллар иштирок этмоқдалар. Бу ерда жаҳоннинг турли мамлакатларидан келган туристлар ўзбек халқ санъати намуналари билан яқиндан танишадилар. Ҳужжатли фильмлар орқали Совет Ўзбекистони ҳақида ҳикоя қилиб борилади. Олимларнинг «Ўзбекистон ССР — кеча, бугун, эртага» мавзуидаги чиқишлари туристларда айниқса яхши таассурот қолдирмоқда.

Ж. ҒУЛОМОВ.

ЯНГИ МАКТАБЛАР

Бу йил сентябрь тонг отарида тошкентлик минглаб ўқувчиларни янги мактаб бинолари бағрига олиши кўзда тутилмоқда. Чунончи, 159-қурилиш трести 13-бошқармасининг Х. Содиқов бошчилигидаги бинокорлари Октябрь районида 1100 ўринли янги мактаб бинаси қурилишини ниҳоясига етказмоқдалар. Мазкур трестнинг 9-қурилиш бошқармаси азаматлари эса, Юнусобод массивида 1568 ўринли мактаб бинаси қурилишини поёнига етказмоқдалар. Ленин ордени кавалери Рўзи Тоғаев бошлиқ сувоқчилар бригадаси ишни юксак суръат билан олиб бормоқда.

С. СУЛТОНОВ.

МАҲСУЛОТГА СИФАТ БЕЛГИСИ

Жиззахдаги пишлоқ заводида маҳсулотларнинг сифат бўйича бўлиб ўтган кўригида 12 хил маҳсулот намойиш этилди. Партия, совет ва савдо ташкилотларининг раҳбарлари ҳамда давлат Сифат инспекциясининг ходимлари завод цехларида бўлишди. Ишчилар ва лаборатория ходимларининг КПСС XXV съезди қарорлари асосида сифат учун кураш соҳасидаги ютуқлари қайд этилди, бу ерда ишлаб чиқарилаётган мойлилиги 60 ва 36 процент бўлган қаймоқларга аъло баҳо берилди.

Кўрик қатнашчилари юқори баҳоланган мойлилиги 60 процент бўлган қаймоқни давлат Сифат белгисига тақдим қилдилар. Харидор ва хўрандалар таъбига мос бўлган бу хил қаймоқни Г Саномян ва А. Хамидовлар бошлиқ цех ишчилари ишлаб чиқармоқда. Улар областда биринчи бўлиб Сифат белгисига тавсия этилган маҳсулотларни етиштириш салмоғини янада оширишга аҳд қилдилар.

Н. МИРЗАЕВ.

ЕР ҚИМИРЛАДИ

Совет Иттифоқининг сейсмик станциялари 28 июль куни Москва вақти билан соат 23 дан 17 минут ўтганда Шимолий Кавказ районида ер қимирлаганини қайд қилдилар. Грозний ва Буйнакск аҳолиси 6 балл куч билан ер қимирлаганлигини сезди. (ТАСС).

Редактор ўринбосари Х. ЕДГОРОВ.

«Абитуриент-76»

ДОВОН ОЛДИДА

Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ниҳоятда масъулиятли ва қизғин паллага кирди. Қабул комиссиялари ҳужжат қабул қилишни тугаллади. Бугун-эрта абитуриентлар учун катта синов — кириш имтиҳонлари бошланиб кетади. Ана шу муносабат билан «Совет Ўзбекистони» мухбири Тошкент автомобиль ва йўллар институти қабул комиссияси масъул секретари Марат Омилович ҚОДИРХОНОВга мурожаат қилиб, бу муҳим масалага қандай ҳозирлик билан келингани ва у қандай ўтказилажаги ҳақида гапириб беришни илтимос қилди:

— Қабул комиссиясининг иши мавсумий ёки бир-икки ойга мўлжалланган иш эмас. Институтимиз ректорати ва партия ташкилоти расман қабул комиссиясини баҳор ойларида тузса ҳам, олий ўқув юртимизга студентлар қабул қилиш билан йил бўйи шуғулланилади. Фақат Тошкент шаҳридагина эмас, бошқа областларда ҳам кўпгина мактаблар, автобаза ва йўл қурилиши ташкилотлари билан яқиндан алоқа боғлаганмиз. Йирик мутахассисларимиз махсус командировка билан областларда бўлиб, институтимизнинг фаолияти, тузилиши, бу ерда қандай мутахассислар тайёрланиши, ўнга кимлар қандай шартлар билан қабул қилиниши ҳақида лекция ўқиб, суҳбатлар ўтказишди. Матбуот, радио ва телевиденияда мутахассисларимизнинг мақолалари эълон қилинди ва чиқишлари уюштирилди.

Шу йил май ойида институтимизда «Очиқ эшиклар куни» ўтказилди. Унда областлардан ҳам йигит-қизлар иштирок этишди. Мутахассис ва олимларимиз «Очиқ эшиклар куни» қатнашчилари билан суҳбатлашдилар, уларни институт кафедраларининг фаолияти, ўқув машғулотларининг қандай олиб борилиши билан таништирдилар. Бу тадбирлар олий ўқув юртимизга ёшларни жалб қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Қабул комиссияси институт ректорати ва партия ташкилоти ишлаб чиққан махсус тадбирларга амал қилмоқда. Унда комиссия зиммасига юклатилган оммавий-сиёсий ва маъмурий-хўжалик ишларидан тортиб, сентябрь ойида янги талабаларни институтнинг катта оиласига қабул қилиш тантанасини ўтказишгача бўлган ҳамма тадбирлар белгилаб чиқилган.

Бир неча йилдирки, ўқув юртимизда тайёрлов бўлими ишлаб турибди. Унга 160 ўқувчи қабул қилинган эди. Улар саккиз ой мобайнида институт тайёрлайдиган мутахассисларга бўлган талаб нуқтаи назаридан ўқитиб борилди. Шу кеча-кундузда 155 йигит-қиз тайёрлов бўлимини тамомлади.

Кейинги йилларда ёшлар ўртасида автомобиль транспорти ва йўл қурилиши мутахассислигини эгаллашга бўлган қизиқиш кучайди. Ҳужжат топширган абитуриентлар орасида ўрта мактабни тугатиб келган ёшлар билан бирга бевосита ишлаб чиқаришдан — автобаза, йўл қурилиши, корхона, колхоз ва совхозлардан келган кишилар кўпайди. Республикамиз халқ хўжалигида ана шу ихтисос эгаларига талаб ортиб бораётир. Шу муносабат билан институтимизда янги факультет ва бўлимлар очилаётганини айтиб ўтиш лозим. Автомобиль йўллари факультети иккига бўлиниб, янги йўл қурилиши машиналари факультети ташкил этилган эди. 1976—1977 ўқув йилида бу факультетнинг кундузги бўлимига 125, кечки ва сиртқи бўлимларига 150 киши қабул қилинади. Автомобиль транспорти факультетида йўл ҳаракатини ташкил этиш бўлими ҳам очилди.

Абитуриентлар кўпайиб бормоқда. Бундай йигит-қизларнинг сони икки минг саккиз юзга етди. Ҳужжат топширган бу ёшлар учун барча зарур шароитлар яратиб берилган. Улар учун махсус қўлланмалар тайёрланиб тарқатилди. Абитуриентлар бу қўлланмалардан ўзлари қизиққан ҳамма саволларга жавоб топа оладилар. Медицина пункти, буфет, ошхона, кутубхоналар улар хизматида.

Тошкент автомобиль ва йўллар институти қабул комиссияси кундузги бўлимга 725 ёшни саралаб олиш мақсадида имтиҳонларга киришиш арафасида турибди. Пишиқ-пухта билимга эга бўлган, имтиҳонларга яхши тайёргарлик билан келган йигит-қизлар ундан муваффақият билан ўтиб, студент деган шарафли номга сазовор бўладилар.

Ж. ҒУЛОМОВ.

ОЛИЖАНОБЛИК

СОВЕТ КИШИСИНИНГ ФАЗИЛАТИ

«Тез ёрдам» машинаси Анастасия Солодилова яшаётган уй ёнида тўхтади:

— Анастасия хола тез бўлинг, аҳвол оғир, — деди машинадан тушаётган оқ халатли қиз. — Пахта тозалаш заводининг хизматчиси Остонова кутилмаганда шикастланиб, кўп қон йўқотди. Ёрдам бермасангиз бўлмайди.

Анастасия хола шошилганидан кийиниб ўтирмай машинага чиқди-да, шофёрга буюрди:

— Кетдик, тезроқ ҳайданг, ўғлим! Яқинганда ҳам шундай бўлганди. 1-ПМКнинг экскаваторчиси Виктор Беляев деган йигитни ҳам ўлимдан саклаб қолгандик. Зора бу сафар ҳам қон группам мос келиб, Остоновага ҳам ҳаёт бахш этса. Менинг ҳам сизларга ўхшаш ўғлим бор. У ҳам ўша ПМКда механизатор.

...Бемор кўзини очди. Гарчанд тун бўлса ҳам ҳаёлида тонг ёришгандай бўлди. Юрак уриши фаоллашди. Томирларида иссиқ қон депсинди. Бу иссиқ қонда камтарин ва камсуқум она — Анастасия Павловнанинг улуши борлигини у билармикан. Ҳозир англамаса ҳам кейинчалик шифокорлар ётиғи билан тушунтириб қўйишади.

Хўш, ўз бурчини сидқидилдан адо этаётган бу аёл ўзи ким? Бухоро область Олот посёлкасида кўпчилик уни Анастасия хола деб ҳурмат билан тилга олишади. «Донор холамиз!» деб қаршилашади. Ҳа, Анастасия Павловна қарийб 34 йилдан бери донор. Ҳозирги кунда «Амубухараканалстрой» бошқармасининг Олотдаги электротехника лабораториясида хизматчи бўлиб ишлайди:

— Улуғ Ватан уруши йилларида, — деб эслайди Анастасия Павловна, — Ленинград қамали чоғида ҳам кўп жангчиларга қон берганман. Кейинчалик Новосибирск, Тошкент, Бекобод шаҳарларида ишлашга тўғри келди. Бу ерларда ҳам донорликни ташламадим. Йиллар давомида қанчадан қанча бемор менинг қонимдан мадад олди. Ҳали бакувват, бардамман. Куч-қувватим бор экан, донорликни давом эттираверараман. Кутилмаганда ожиз бўлиб қолгак кишиларга қайта куч, қолаверса ҳаёт бахш этишни ўзимга бахт деб биламан.

Ҳ. ҚОДИРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

«ЗАНГОРИ ЭКРАН»ДА

2 АВГУСТ, ДУШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Эрталабки гимнастика. 10.30 — Мультфильм. 11.00 — «Ҳайвонот оламида». 12.00 — XXI ёзги олимпия ўйинларида. 15.15 — Ҳужжатли фильм. 16.10 — «Жаҳон бўйлаб». Марказий Осиё 16.35 — Ихтирочи. 17.05 Поэзия. 17.25 — **Биз Тишкани қандай изладик** (бадиий фильм). 18.30 — Студентларнинг учинчи меҳнат семестри. 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Ўйнаб қўшиқ айтамиз. 19.30 — Социалистик мусобақа кундалиги. 20.15 — XXI ёзги олимпия ўйинларининг ёпилиш маросими. 22.00 — **«Вақт»**. 22.30 — Адресимиз — Совет Иттифоқи. 23.35 — Мультфильмлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

18.30 — Мультфильм. 19.00 — Тимча (қўғирчоқ театри спектакли). 19.45 — **«Ахборот»**. 20.00 — Совет турмуш тарзи. 20.30 — Концерт. 21.00 — **«Ахборот»**. 21.20 — Озуқа ишлаб чиқариш резервлари. 21.40 — Концерт. 22.25 — **Ғалабадан сўнгги жанг** (бадиий фильм, 1-серия).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

17.05 — **ДУШАНБА КУРСАТУВЛАРИ.**

3 АВГУСТ, СЕШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Эрталабки гимнастика. 10.30 — Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун. 11.15 — **Киносаёҳатчилар клуби.** 12.15 — Концерт. 15.10 — Ҳужжатли фильмлар. 16.15 — Фильм-концерт. 17.00 — **Скрипканинг қайтиши** (бадиий фильм). 18.15 — Пионер ёзининг бир куни. 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Қувноқ ноталар. 19.30 — Киножурнал. 19.40 — Қишлоқ ишлар ва муаммолар. 20.10 — Концерт. 20.40 — Европа; ўзгаришлар даври. 20.10 — **Ошга ўрток, бошга тўқмоқ** (фильм-спектакль). 22.00 — **«Вақт»**. 22.30 — Фильм-спектаклнинг давоми. 23.30 — Днестр қўшиқлари.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Болалар учун кинофильмлар. 12.00 — Пионер лагеридан репортаж. 12.30 — **Болаликнинг сўнгги ёзи** (бадиий фильм, 1-серия). 13.35 — Фильм-концерт. 18.30 — Мультфильм. 18.40 — «Камалак» клуби 19.10 — Ҳужжатли фильм. 19.40 — «Ахборот» 19.55 — Адабий кўрсатув. 20.30 — Ўн минут музика. 20.40 — Ўй-жой фонди — халқ мулки. 21.00 — **«Ахборот»**. 21.20 — Август — ҳосил тўплашда якунловчи босқич. 21.40 — Концерт. 22.30 — **Ғалабадан сўнгги жанг** (бадиий фильм, 2-серия)

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.05 — Фильм-эртак. 19.25 — **Ҳаётимни қайта бошлайман** (бадиий фильм). 20.40 — Тошкент янгиликлари. 20.55 — Реклама. 21.10 — Эстрада куйлари. 21.40 — Бош конструктор (ҳужжатли фильм, 1-серия).

4 АВГУСТ, ЧОРШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Эрталабки гимнастика. 10.30 — **Ошга ўрток, бошга тўқмоқ** (фильм-спектакль). 12.20 — Қўшиқ ва рақслар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.05 — Онамларнинг мактаби. 16.35 — Биз табиат билан таништамиз. 17.00 — **Вальканинг елканлари** (бадиий фильм). 18.15 — Горничилар, қаердасиз? 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Мультфильм. 19.25 — Инсон ва қонун. 19.55 — «Спортлото» тиражи. 20.05 — Тинчлик ва социал тараққиёт учун. 20.20 — **Капитан Немонинг сирли ороли** (бадиий фильм, 1-, 2-серия). 22.00 — **«Вақт»**. 22.30 — Дўстларимиз меҳраси. 23.15 — Концерт.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Виталий Бианки (телефильм). 12.20 — Ўқувчилар бригадасида. 12.40 — **«Кобра» операцияси** (бадиий фильм). 14.05 — Фильм-концерт. 18.30 — Мультфильм. 18.50 — Қўғирчоқ театри. 19.20 — Мусобақа туфайли тугилган. 19.45 — **«Ахборот»**. 20.00 — Партиянинг социал-иқтисодий программаси — амалда. 20.20 — Концерт. 21.00 — **«Ахборот»**. 21.20 — Телетеатр. Г. Геерман. «Ҳалокат».

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.05 — Болалар учун кинофильм. 19.25 — Ҳужжатли фильм. 19.55 — **Нидо** (телеспектакль). 20.40 — Тошкент янгиликлари. 20.55 — Концерт. 21.20 — Врач маслаҳати. 21.30 — Бош конструктор (ҳужжатли фильм, 2-серия).

5 АВГУСТ, ПАЙШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Эрталабки гимнастика. 10.30 — Пионер ёзининг бир куни. 11.15 — **Капитан Немонинг сирли ороли** (бадиий фильм, 1, 2-серия). 15.15 — Буюк бунёдкорлик кундалиги. 15.55 — Тарас Шевченко ижоди. 16.25 — Шахмат мактаби. 16.55 — Москва ва москваликлар. 17.25 — **Еттинчи жин** (бадиий фильм). 18.30 — Етуклик аттестати ва комсомол йўлланмаси билан. 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Расмларда қуёш акси бор. 19.30 — Фан оламида. 20.00 — Концерт. 20.15 — **Капитан Немонинг сирли ороли** (бадиий фильм, 3-4-серия). 22.00 — **«Вақт»**. 22.30 — Ўзингизни синаб кўринг.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Фильм-балет. 12.10 — Болалар учун кўрсатув. 12.50 — **Болаликнинг сўнгги ёзи** (бадиий фильм, 2-серия). 13.55 — Фильм-концерт. 18.30 — Капитанлар, капитанлар (телефильм). 18.45 — Жанговар постда. 19.05 — Концерт. 19.45 **«Ахборот»**. 20.00 — Мен Совет Иттифоқи гражданиман. 20.30 — Адабий театр. **С. Есенин. «Анна Снегина»** 21.00 — **«Ахборот»**. 21.20 — Ноз-неъмат бунёдкори. 21.40 — Концерт. 22.20 — Ҳамза номли Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг лауреати Л. Қаюмов сўзи. 22.40 — **Муқом сирлари** (бадиий фильм).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.05 — Болалар учун телефильм. 19.25 — **Етуклик аттестати** (бадиий фильм). 20.45 — Тошкент янгиликлари. 21.00 — Совет турмуш тарзи. 21.30 — Шунчаки сайд (телепостановка).

6 АВГУСТ, ЖУМА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Эрталабки гимнастика. 10.30 — Горничилар, қаердасиз? 11.15 — **Капитан Немонинг сирли ороли** (бадиий фильм, 3-4-серия). 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 15.45 — Рус тили. 16.30 — **Кичик қоқоқ** (бадиий фильм). 18.15 — Табиат соқчилари. 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Музикали абонемент. 19.45 — Биз БАМни қуряпмиз. 20.15 — **Капитан Немонинг сирли ороли** (бадиий фильм, 5-6-серия). 22.00 — **«Вақт»**. 22.30 — Концерт.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Киноальманах. 12.15 — Кичкинтойлар учун кўрсатув 12.55 — **Болаликнинг сўнгги ёзи** (бадиий фильм, 3-серия). 14.00 — Фильм-эртак. 18.30 — Телефильм. 18.50 — «Ёшлик» студиясининг почтаси. 19.25 — Республиканинг зарбдор қурилишларида. 19.45 — **«Ахборот»**. 20.00 — Мирзачўл (ҳужжатли фильм). 21.00 — **«Ахборот»**. 21.20 — Концерт. 22.05 — «Наштар» — студиямиз меҳмони. 22.45 — **Ишбилармон кишилар** (бадиий фильм).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.05 — Қўғирчоқ фильм. 19.15 — Реклама ва эълонлар. 19.35 — **Иккиовлон** (бадиий фильм). 20.10 — 450 минг тонна «оқ олтин» учун. 20.40 — Тошкент янгиликлари. 20.55 — Классик куй саҳифалари. 21.30 — Одамларга бахт ҳадя этаман (телефильм).

7 АВГУСТ, ШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Эрталабки гимнастика. 10.30 — Ёшлар нидоси. 11.00 — Ота-оналар, Сизлар учун. 11.30 — **Капитан Немонинг сирли ороли** (бадиий фильм, 5-6-серия). 13.15 — «Тонгги почта» музикали программаси. 13.45 — Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик. 14.15 — Рассомлар ҳақида ҳикоялар. 14.40 — Сўз — олимларга. 14.45 — Ёш ихтирочилар конкурси. 15.45 — Концерт. 16.30 — Ҳужжатли фильм. 17.30 — «Здоровье». 18.35 — Икки турмуш тарзи: рақамлар ва фактлар. 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Мультфильм. 19.50 — Мўъжизасиз мўъжизалар. 20.50 — 1976 йил қўшиқлари. 21.10 — «Ералаш» киножурнали саҳифаларида. 22.00 — **«Вақт»** 22.30 — Концерт.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.10 — Янгиликлар. 10.20 — **Телеминиатюралар.** 11.00 — Оқ автомобиль (кинофильм). 11.25 — Шеърият мухлисларига. 11.35 — Ишчи кафолати. 12.05 — Концерт. 12.40 — **Сени кутамиз, Тимур** (бадиий фильм). 14.10 — Кинокўзгуда ҳаёт. 18.05 — Концерт. 18.35 — Ватан хизматига тайёрмиз. 19.00 — Мураббийлар (телеочерк). 19.15 — Мусобақа туфайли тугилган. 19.45 — **«Ахборот»**. 20.00 — Оламга саёҳат. 21.00 — **«Ахборот»**. 21.20 — Қуйланг, ёш ҳонандалар (телеконкурс). 21.50 — Катталар учун мультфильм. 22.00 — Рақслар гулдастаси. 22.40 — **Биринчи учрашув** (бадиий фильм).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

17.30 — **ДУШАНБА КУРСАТУВЛАРИ.**

8 АВГУСТ, ЯКШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Зарядкага сафланинг. 10.30 — Будильник. 11.00 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 12.00 — Музикали фильм. 12.15 — Ёш мухбирлар учрашуви. 13.00 — Музикали киоск. 13.30 — Қишлоқ янгиликлари. 14.30 — Н. Бараташвили поэзияси. 15.00 — **Асранди** (бадиий фильм). 15.50 — Гўё сувда балиқдек (ҳужжатли фильм). 16.05 — Бугун — бинокорлар куни. 16.20 — Концерт. 17.20 — Телефильм. 17.50 — Халқаро панорама. 18.20 — Балакирев романсларн. 19.00 — Янгиликлар. 19.15 Мультфильмлар. 19.45 — Совет Иттифоқи чет эллик меҳмонлар нигоҳи билан. 20.15 — Бир саҳнали балет. 21.00 — **Киносаёҳатчилар клуби.** 22.00 — **«Вақт»**. 22.30 — Сизнинг фикрингизча.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.10 — Янгиликлар. 10.20 — Куйланг, ёш ҳонандалар (телеконкурс). 10.50 — «Светофор». 11.50 — Ёш киноҳаваскорлар клуби. 12.30 — Фильм-концерт. 13.05 — **Иван Бровкин қўриқда** (бадиий фильм). 14.35 — Киноэкран янгиликлари. 18.05 — Мультфильм. 18.25 — «Ералаш» журнали саҳифаларида. 18.55 — Ҳужжатли фильм. 19.45 — **«Ахборот»**. 20.00 — **Телеминиатюралар.** 20.50 — Асат — эканингни ясат. 21.00 — **«Ахборот»**. 21.20 — Бугун — бинокорлар куни. 22.40 — **Қайсарлар** (бадиий фильм).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

17.00 — **ФРУНЗЕ КУРСАТУВЛАРИ.**

31 ИЮЛЬ, ШАНБА

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Эрталабки гимнастика. 10.30 — Буратино қўғирчоқ театри. 11.00 — Ота-оналар. Сизлар учун. 11.30 — Концерт. 12.00 — XXI ёзги олимпия ўйинларида. 14.00 — Рассомлар ҳақида ҳикоялар. 14.25 — Ҳаракат хавфсизлиги учун. 14.55 — Концерт. 15.35 — Ҳамдўстлик (тележурнал). 16.05 — Мультфильм. 16.40 — Концерт. 17.00 — «Здоровье». 17.30 — Ҳайвонот оламида. 18.30 — Инсон, Ер, Коинот. 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Ҳужжатли фильм. 19.25 — «13 стул» телеминиатюралар театри. 20.30 — Кинопанорама. 22.00 — **«Вақт»**. 22.30 — XXI ёзги Олимпия ўйинларида.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.10 — Янгиликлар. 10.20 — **Телеминиатюралар.** 11.00 — Тўрт эгизак қақида эртак (спектакль). 12.40 — **Жиблажибон армияси** (бадиий фильм). 14.00 — Нон мадҳи. 14.30 — «Замандас». 19.05 — Ассалом, Дар! (телефильм). 18.25 — До-ре-ми-фа-соль. 19.15 — Янгра, барабан! 19.45 — **«Ахборот»**. 20.00 — Совет турмуш тарзи. 20.20 — Қўрабек Муродов куйлайди. 21.00 — **«Ахборот»**. 21.20 — Куйланг, ёш ҳонандалар (телеконкурс). 21.55 — Совет Ўзбекистони (киножурнал) 22.05 — **Думбул** (бадиий фильм). 23.30 — Жонажон мамлакатимиз бўйлаб. Ўзбекистон ССР.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

16.40 — Душанба кўрсатувлари.

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 31/VII да **Антигона.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 31/VII да **Кўнгли ёш қаринлар,** 1/VIII да **Муқаддас диёр,** 2/VIII **Жон қизлар.**

Кино

Зита ва Гита — «ҚОЗОҒИСТОН» (12, 13, 16, 17, 20), «ДРУЖБА» (11, 14, 17, 20), САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Порт — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда).

Тошкин (3, 4-серия лар) — «ДРУЖБА» (жуфт соатларда).

ЕЗГИ БИНОДА

Ау-у! — «ФЕСТИВАЛЬ» (20.50, 22.30).

Парм ибодатхонаси — «ХИВА» (20.50).

●

«УЗХЛАДОТОРГМОНТАЖ» трестининг ТОШКЕНТ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН РЕМОНТ-МОНТАЖ БОШҚАРМАСИ қуйидаги мутахассисликлар бўйича ЎҚУВЧИЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

САВДО ВА УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ КОРХОНАЛАРИНИНГ СОВУТИШ, ЭЛЕКТР-ИССИҚЛИК ВА МЕХАНИКА УСКУНАЛАРИ.

Курсларга Тошкент шаҳри ёки областида доимий пропискага эга бўлган, шунингдек, камида 3 разрядли электрикчилар, ёки ичдан ёниш двигателлари ремонти бўйича 3 разрядли слесарь мутахассисликларга эга бўлган 22 ёшгача бўлган йигит-қизлар қабул қилинади

ЎҚУВЧИЛАР СТИПЕНДИЯ БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИЛАР.

ЎҚИШ МУДДАТИ 4 ЯРИМ ОЙ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Грамплатинкалар кўчаси, 40-уй. Телефонлар: 66-21-31, 66-03-65.

●

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ЧЕТ ТИЛЛАРИ КАФЕДРАСИНИНГ МУДИРИ вакант вазифасига

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурсда филология фанлари докторлари ёки кандидатлари қатнашишлари мумкин.

КОНКУРС МУДДАТИ — 27 АВГУСТГАЧА.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Гоголь кўчаси, 70-уй, илмий кадрлар бўлими. Телефон: 33-59-46.

●

«КАРШИСТРОЙ» бошқармасига қарашли «ВОДСТРОЙ» трестининг 23-МЕХАНИЗАЦИЯЛАШТИРИЛГАН КЎЧМА КОЛОННАСИГА МЕХАНИЗАТОРЛАР: «К-700» тракторчилари, «С-100» скреперчилари, бульдозерчилар, слесарлар

КЕРАК

Меҳнат ҳақи — ишбай-мукофотли. Умумий қўшимча ҳақ 55 процентни ташкил этади ва яшаб турган жойидаги уй-жойи саҳланади.

Ишчиларга ишнинг кўчма характери учун 30 процент қўшимча ҳақ тўланади. Вагонётоқхона берилади.

Бизнинг адрес: Қашқадарё область, Нишон райони, 5-совхоз, 156-разъезд.

●

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ИНЖЕНЕРЛАРИ ИНСТИТУТИ вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Институтнинг Қарши ва Янгиер филиаллари бўйича кафедра мудирлари (профессорлар, доцентлар): физика, тупроқшунослик ва деҳқончилик; Янгиер филиали бўйича умумий техника фанлари.

КОНКУРС МУДДАТИ — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Конкурсдан ўтганларга турар жой берилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Қориниёзий кўчаси, 38-уй, кадрлар бўлими.

●

Тошкент шаҳридаги 84-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ ўсмирларни эркин кураш бўйича махсус группага

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Бу группага спорт тайёргарлигига эга бўлган, 8-синф ҳажмидаги маълумот ва эркин кураш бўйича II разряддан юқори разрядга эга бўл